УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР
ОПИСАНО
17 СЕН 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 213 (18.989). • Якшанба, 16 сентябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 15 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён

Фарғона	1,54	7,07
Андижон	1,15	6,38
Бухоро	1,05	5,84
Навоий	0,73	4,70
Сурхондарё	0,80	4,29
Наманган	0,81	3,35
Қашқадарё	0,54	3,28
Самарқанд	0,57	1,91
Тошкент	0,30	1,27
ҚҚАССР	0,28	1,00
Хоразм	0,48	0,48
Сирдарё	0,12	0,36
Жиззах	0,03	0,23
Республика бўйича:	0,69	3,30
Шу жумладан ингичка толали пахта		
Сурхондарё	1,01	4,90
Наманган	1,06	4,38
Навоий	0,62	1,74
Бухоро	0,63	1,61
Қашқадарё	0,18	0,78
Республика бўйича:	0,72	3,31

ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ДЕПУТАТ! ЙИҒИМ-ТЕРИМНИНГ ҚАҲРАМОНИ БЎЛ!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлари бир группасининг 1984 йилда пахта териш кампаниясини уюштиришда шахсан иштирок қилишларини кучайтириш тўғрисида республика Советларининг барча депутатларига қилинган мурожаатини маъқуллади.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига бу мурожаатни кенг тушунтириш ва пропаганда қилишни таъминлаш, республика меҳнаткашларини 1984 йилда етиштирилган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни муваффақиятли ўтказишга сафарбар қилиш юзасидан ташкилий ва сиёсий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширди. Ўрим-йиғим ишларининг тез суръатлари ва сифати учун, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, нобудгарчиликни камайтириш, пахта ва пахта маҳсулотининг сифатини ошириш учун, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш керак.

Азиз ўртоқлар!

Ўлкамизда куз фасли. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилган, кишилар далаларда жавлон уриб пахта тераётган, ҳар бир киши қаерда ишлашидан қатъи назар, шонли пахтакорлар сафидан ўрин оладиган мавсумдир. Республикамизнинг жанубидаги, Зарафшон водийси, Мирзачўл ва Жиззах даштларидаги қўриқ совхозлар, Фарғонанинг сахий воҳаси, Амударё этакларидаги далаларда очилган оппоқ чаноқлар ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Пахтакорлар мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосилни тез ва ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олиш, пахта териш машиналаридан энг самарали фойдаланиш — чинакам умумхалқ вазифасидир.

Биз, депутатлар халқ сайлаган вакилларимиз. Биз халқ манфаатлари ва талаб-эҳтиёжлари билан яшаймиз. Ҳозирги кунда Ўзбекистон бутун аҳолисининг манфаат ва ташвишлари пахта даласида мужассамлашмоқда. Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленумида сўзлаган нутқида шу гапларни айтди: **«Давлат плани учун жон куйдириш, ҳатто истасангиз, ташвишланиш бизни бир дақиқа ҳам тарк этмаслиги керак... Бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишкаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчанлик ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ бўлиши керак». Бу эса бизнинг зиммамизга пахта теримида шахсан иштирок қилибгина қолмай, Ўзбекистондаги юз минг кишилик халқ депутатларининг ҳаммасини юбилей йили пахта териш кампаниясида ўз ўрнини топишга даъват этиш вазифасини ҳам юклайди.** Биз, депутатлар шахсан намуна кўрсатиб, ўртоқларимизни ҳар бир бригада, хўжалик, ҳар бир район ва областнинг план ва социалистик мажбуриятларни бажариши учун зўр ғайрат билан ишлашга чорлашимиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахта етиштиришни кўпайтириш ва олинадиган тола миқдорини ошириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш юзасидан қабул қилган қарорларини бажариш учун ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Бу йил республикамиз учун алоҳида, бурилиш йилидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳаммамизни республикада намунали социалистик тартиб ўрнатиш соҳасидаги катта ишларга илҳомлантирди, камчиликларга қарши қатъий ва муросасиз кураш олиб боришга чорлади. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ҳар томонлама бераётган ёрдам ва мададига таянган республика партия ташкилоти бу ишда мустаҳкамланиб чиниқмоқда. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлиги ўсмоқда. Меҳнат коллективлари ва уларнинг партия ташкилотлари шонли байрам — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида ўсиб бораётган куч-қудратини, ўз жипсликларини, республика юбилейини одатдагича ёрқин меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қатъиятини намойиш қилмоқдалар. Ана шу меҳнат зафарлари орасида **пахта тайёрлаш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш ўз аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринни олади. Биз бутун ҳосилни йиғиштириб олиб, олтмиш миллион тоннали хирмон кўтаришимиз керак.**

Пахта конвейери ўз ишини бошлаб юборди. Интизом, уюшқоқлик ва тартиб, барча бўғинларнинг ўзаро пухта алоқа боғлаб ишлаши, ҳар куни кўп пахта териш, пировард маҳсулот — толанинг ғоят сифатли бўлишини таъминлаш, теримнинг ҳамма қатнашчиларига аъло даражада хизмат кўрсатиш — бу конвейерга хос хусусият бўлиб қолиши керак. Пахта конвейерининг муттасил ишлаб туриши биз, депутатларга, депутат постлари, Советларнинг доимий комиссиялари ва ижроия комитетлари қандай ишлаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Пахта териш машиналари, йиғим-терим-транспорт отрядлари пахта конвейерининг негизидир. Ўттиз мингдан ортиқ машина далага чиқарилади. Депутатлар дефолиацияни сифатли ўтказиш, йиғим-терим-транспорт отрядларида машиналар ва транспорт воситалари икки сменада ғоят унумли ишлаши учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриши лозим.

«Оқ олтин»ни териб олиш учун миллионлаб теримчи далага чиқди. Депутатлар пахтакорларнинг зўр ғайрат билан меҳнат қилиши ва маданий дам олиши учун ҳамма шароитларни яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Меҳнатни ташкил этиш, бригада хирмони, дала шийпони ва овқатланишни уюштириш масалалари халқ вакилларининг доим диққат-марказида туриши лозим.

Ҳосил биринчи марта ялпи миқдорига қарабгина эмас, балки асосан толасига қараб қабул қилинади. Депутатлар тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг янги шароитларда пухта ишлашини уюштиришга ёрдам беришлари, ҳосилни қабул қилиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш вақтида давлатнинг ҳамда хўжаликларнинг манфаатларига риоя қилиниши устидан амалий контрол ўрнатишлари лозим.

Ҳосил йиғим-терими умумий овқатланиш ва савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат ходимлари олдига катта талаблар қўяди. Биз, депутатлар пахтакорларнинг турмуши ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида чинакам оталарча ғамхўрлик қилайлик, токи уларнинг таъна қилишига ўрин қолмасин.

Депутатлар ҳосилнинг нобуд қилинишига асло йўл қўймасликлари керак. **Пахта териш машинасини бошқаришда ҳам, тўлган бункерни бўшатишда ҳам, қўл билан териш, пахтани қабул қилиб олиш вақтида ҳам, хирмонга тўкиш пайтида ҳам депутат сергаклик билан иш кўриши зарур. Далада бирорта ҳам чаноқ қолиб кетмасин!**

Социалистик мусобақани тўғри уюштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш усулларини моҳирлик билан қўлланиш меҳнат унумдорлигини оширади, қўйилган мақсадга эришишга яқинлаштиради. Пахта даласида социалистик мусобақанинг ташаббускори бўлиш, барча воситалар ёрдамида ва аввало пахта териш комбайни штурвалини бошқариш ёки теримчилар қаторида ишлаб шахсан намуна кўрсатиш йўли билан теримчиларнинг меҳнат суръатларини ошириш, барча теримчиларнинг иш нормаларини тўла ва ошириб бажаришларига эришиш — депутатнинг бевосита бурчидир.

Техникага ва хўжаликларнинг ўз кучларига кўпроқ таяниш — бу йилги ҳосил йиғим-терининг ўзига хос хусусиятидир. Колхоз ва совхозларнинг, район ва областларнинг ғоят кўпчилиги ҳосилни ўз кучлари билан йиғиштириб олишга қодирдир. Қишлоқдаги барча кучларни ва ресурсларни йиғим-теримга тўла сафарбар қилиш учун бутун чоралар билан ёрдам берайлик!

Бундан буён ҳаво доимо очиқ бўлавермайди. Об-ҳавонинг ноқулай келишини назарда тутиш, унга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш, ёмғир ва қор ёғишидан ғафлатда қолмаслик муҳимдир. Биз юксак уюшқоқлик ва иродани, шунингдек мавжуд техника воситаларининг ҳаммасини ва биринчи навбатда қуритиш-тозалаш цехларини обҳавонинг ноқулай келишига қарама-қарши қўйишимиз лозим.

Пахта — бизнинг қувончимиз ва ифтихоримиз, интернационал бурчимиздир. Мамлакат биз ваъда қилган миқдорда пахта олажагига шак-шубҳа йўқ. Бизнинг ор-номусимиз, ишлаш маҳоратимиз, берган ваъдамизнинг устидан чиқиб, мўлжалланган марраға эриша олишимиз бунинг гаровидир. Республикамиз юбилейи кунларида Ватанга «Ўзбекистоннинг олти миллион тонна пахтаси тайёр» деб рапорт бериш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

САТТОРОВА З. — СССР Олий Совети депутати, Жиззах область Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхозининг бригадири, БОБОНАЗАРОВА Т. — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Навоий область Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг бригадири, АБДУМАЛИКОВ Н. — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Фарғона область Тошлоқ районидаги Ленин номли колхоз комсомол-ёшлар механизациялашган бригадасининг бошлиғи, КРАХМАЛЕВА Л. П. — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Самарқанд область Каттақўрғон пахта тозалаш заводининг ишчиси, АБИЛКАИРОВ А. Д. — Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати, Қорақалпоғистон АССР Шуманай районидаги «Шуманай» совхоз-техникумининг механизатори, РОЗИҚОВА Г. — область Советининг депутати, Андижон область Бўз районидаги К. Маркс номли колхоз теримчиси, УСЕИНОВ С. — область Советининг депутати, Тошкент область Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи, МАШАРИПОВА П. — район Совети депутати, Хоразм область Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси, АБДУРАҲМОНОВ П. — шаҳар Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қашқадарё область Шаҳрисабз шаҳридаги 35-автобаза коммунистик меҳнат бригадаси машина ҳайдовчиларининг бригада бошлиғи, ЧЕРНОВАЛОВА О. И. — шаҳар Советининг депутати, Бухоро тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг ўровчиси, КОМАРОВ Н. К. — қишлоқ Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхози комплекс-механизациялаштирилган звеноси бошлиғи, ЧОРИЕВ Ю. — қишлоқ Советининг депутати, Сурхондарё область Шеробод районидаги Партия XXV съезди номли совхоз агроучасткасининг бошлиғи, ҚОДИРОВ А. — қишлоқ Советининг депутати, Наманган область Задарё районидаги Ильич номли совхоз пахта териш машинасининг ҳайдовчиси.

Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхози механизаторлари сафига 33 та ёш мутахассис келиб қўшилди.

Хўжаликда юбилей йилида тайёрланадиган 6 минг тонналик хирмоннинг 80 процентини техника воситалари ёрдамида йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда. Терим-транспорт отрядлари зарур техника воситалари билан таъминланган. «Зангори кема»ларни икки сменада унумли ишлатиш учун механизатор кадрлар етарли. Бу, хўжаликда машина терими топшириғининг ошириб адо этилишидан далолат беряпти. Суратда: ёш механизатор Г. Маматмуродова. Бу йил у ўз агрегати бункеридан 110 тонна «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган.

И. Хўжаев (ЎзТАГ) фотоси.

Дефолиация қандай бормоқда?

Республика областларида ғўза дефолиациясининг борыши тўғрисида шу йил 15 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	8,5	96,1
Жиззах	10,5	58,5
Сирдарё	10,8	40,4
Андижон	7,8	25,5
Сурхондарё	5,6	23,2
ҚҚАССР	10,0	20,5
Бухоро	5,0	18,2
Наманган	4,0	15,0
Хоразм	2,8	5,9
Фарғона	2,2	5,8
Самарқанд	2,7	4,9
Навоий	0,9	4,7
Қашқадарё	1,7	3,7
Республика бўйича:	6,1	27,4

ҒИЖДУВОН РАЙОНИДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ СУРЪАТИ КУН САЙИН ОШМОҚДА

ЯЛПИ САФАРБАРЛИК

Ғиждувон райони заршунослари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига 60 минг тонна пахта хирмони уйиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар йиғим-теримни ғоят уюшқоқлик ва юксак суръатлар билан олиб боришяпти. Ҳар куни тайёрлов пунктларига 1200 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилмоқда. Бу — йиллик планнинг 2 процентидан ҳам кўпроқдир.

Механизаторлар ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олиш ташаббуси билан чиқишди. 200 терим машинаси ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган. Уларнинг ҳар бири билан мавсумда камида 100—150 тоннадан «оқ олтин» териш мўлжалланмоқда.

Район далаларида машина терими қизғин бошланиб кетди. «Зарафшон» колхози механизаторлари йиғим-теримда пешқадамликка эришдилар. Улар ялпи ҳосилнинг саксон процентини машиналарда териб олишга аҳд қилишган. **Ҳозир пахтазорларда 10 та машина жавлон урмоқда. Облоқул Жўраев, Султон Шарипов, Саид Жабборов сингари дала гвардиячилари биринчи кундан бошлабоқ машиналар бункеридан 5,5—6 тоннадан дурдона тўкишди.** Улар мавсумда 200—250 тоннадан сифатли пахта териб беришга аҳд қилишган.

Район аҳолиси пахта йиғим-теримига ялпи сафарбар этилгани туфайли кунлик ўсиш суръати тобора ошмоқда. **Кўпмингкилограммчилар мусобақасида «Коммунизм» колхозининг чевар теримчилари Фозила Умматхонова, Шоира Хатамова олдинда бормоқда. Уларнинг ҳар бири шу кунгача эл хирмонига 4 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкишди.**

«Зарафшон» колхозининг Зиё Боқиев бригадаси заршунослари кеча йиллик планнинг 3 процентидан ошириб пахта тайёрлашга эришдилар. **Лайло Жумаева, Лола Қурбонова, Манзура Аслонова каби чевар теримчилар ҳар куни 200 килограммга етказиб пахта теришяпти. Чевар теримчилар мусобақасида «Ленинизм» колхозининг аъзоси Озода Қурбонова бир кунда 240 килограмм пахта териб рекорд кўрсаткичга эришди.**

— Ғиждувон пахтакорлари бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, йиғим-терим суръатини кун сайин оширмоқдалар, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Саломат Ғаниева. — Бу йил она-Ватанга армуғон этиладиган 60 минг тонна пахтанинг тўртдан бир қисмини ипак пахта ташкил этади. Ипак пахта етиштирилаётган майдонлар ҳам дефолиациядан чиқарилиб, машина теримига тахт қилиб қўйилди. Бугун-эрта терим машиналарининг катта отрядини ишга солиб, кунлик ўсишда 4—5 процент кўрсаткичга эришамиз. Ҳосилнинг асосий қисмини юқори сортларга топширамиз. План ва социалистик мажбуриятимизни республикада биринчилар қатори бажариб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини ёруғ юз билан кутиб олиш — районимиз меҳнат аҳлининг эзгу муддаосидир.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«МОСКВА» ЮЛДУЗЛАРИ

Эрта тонгданоқ пахтазор теримчилар билан гавжумлашди. Чаноқларда кўпириб турган оппоқ момиқлар эндигина уфқдан бош кўтараётган қуёшнинг заррин нурида мисоли олмосдек товланади.

Бригада етакчиси Манзурахон ҳам бугун файзли пахтазорга ҳар қачонгидан барвақт келди. У пайкал бўйида туриб қўли қўлига тегмай дурдона тераётган чевар қизларга ҳавас билан боқди.

— Неча этак пахта тердингиз, Ҳурматой?

— Ҳозир учинчисини бўшатдим.

— Сиз-чи, Райҳонгул?

— Мен Ҳурматой опамдан орқада қолармидим.

Бригадир табелчининг қўлидан дафтарни оларкан, рўйхатга кўз югуртирди.

Райҳонгул Худойбердиева — 25 килограмм, Баҳригул Темирова — 31 килограмм, Ҳолида Оромованики эса озроқ — 20 килограмм, Мўмина опа Йўлдошева билан Ҳурматой Тўйчиеваларники ҳар бири салкам 40 килограммдан.

Манзурахон икки юзи қип-қизил олмадек қизарган Баҳригулга хиёл юзланиб гап қотди.

— Ҳечқиси йўқ, синглим, бугун мусобақадошингиз Ҳурматой ғалаба қилса, эртага сиз ютиб чиқасиз.

Қисқа муддатли чой ичилгандан сўнг мусобақадош қизлар баҳси янада шиддатли тус олди. Қуёш қирмизи уфққа яқинлашганини ҳам ҳеч ким сезмай қолди.

Бу йил мавсумда камида 13 тонна пахта териш мажбуриятини олган Ҳурматой бригададагина эмас, совхозда ҳам илғор ишчилардан бири ҳисобланади. У Шолохов номли ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ пахта йиғим-теримида актив қатнашарди. Ёзда мактабни битириб тўппа-тўғри шу бригадага ишга келди. Ғўзага сув таради, чопиқ қилди. Эндиликда теримда ҳам дугоналари Баҳригул Темирова, Ҳолида Оромоваларидек пешқадам. Уларнинг ҳар бири шу кунгача хирмонга 2-2,5 тоннадан пахта тўкишди.

Мана, чевар қизларнинг баракали меҳнатидан Аҳад Орипов бошқараётган «оқ олтин»га лиммо лим тележкали трактор қабул пункти томон йўл олди. Бу илк ҳосил, жасоратли меҳнат маҳсули.

Ўша куни давлатга 2 процентдан зиёд пахта топширилди. Аҳил коллективнинг қарори қатъий эди. — Эртага 3,5, ундан кейин 4 процентга чиқамиз, 10—15 кунда дастлабки маррани эгаллаймиз, — дейишди улар.

Қарши районидаги «Москва» совхозининг Манзура Орипова бошлиқ бригадасида пахта йиғим-терими ана шундай уюшқоқлик билан боряпти. Улар юбилей йилида мавжуд 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан хирмон кўтариш, план ва мажбуриятларни қисқа муддатда ошириб бажариш учун кун сайин, соат сайин «оқ олтин» йиғим-терими суръатини оширмоқдалар.

М. ҚАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Пахта йиғим-теримида Фарғона, Андижон ва Бухоро областларининг заршунослари пешқадамлик қилишмоқда. Илғорлардан ўрнак олиб, терим суръатини оширишга эришайлик. Дефолиацияни тез ва соз ўтказиш билан «зангори кема»ларга кенг иш фронти яратайлик.

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Пискент районидаги Свердлов номли колхоз теримчиси Дилфуза Эргашева бир кунда 260 килограмм «оқ олтин» теришга эришди. Унинг шу кунгача уйган хирмони 2 тоннадан ошиб кетди. Дилфуза бу йил 12 тонна дурдона териш учун ғайрат кўрсатиб ишлаяпти.

Дилором Болтабоева, Гулнора Азимова, Муборак Азимова, Зарифа Холмирзаева кунига 200-210 килограммдан дурдона теришмоқда. Бу — Олтинкўл районидаги «Коммуна» колхози теримчилари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

Зарбдор звенога уюшган тўрт дугона мавсумда 15 тоннадан пахта теришни кўзлашмоқда. Уларнинг ҳар бири шу кунгача хирмонга 3 тоннадан пахта тўкди.

Беруний районидаги Беруний номли совхоз ишчилари Зулфия Ибодуллаева ва Жамила Қўшжонова социалистик мусобақанинг беш кунлик якунига кўра ғолиб деб топилди. Уларнинг ҳар бири ҳозирга қадар 1200 килограммдан пахта теришга муваффақ бўлди. Пешқадам қизлар мавсумда 13-14 тонналик «оқ олтин» хирмони уйишга аҳд қилишган.

ХИРМОНГА БАРАКА

Ўтган куни Сурхондарё областида 2539 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Мавсум бошидан бери уйилган ипак пахта хирмони 12 минг тоннага етди.

Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Маҳмудов бошлиқ бригадаси аъзолари теримнинг дастлабки кунларидаёқ 10 тонна юқори сифатли пахта топширишга эришдилар. Бу — йиллик планнинг 3,4 процентига тенгдир.

Комсомол районидаги Турғун Аҳмедов номли совхоз механизатори У. Асадов куни кеча КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Шу муносабат билан у оширилган мажбурият олди. Умрзоқнинг янги марраси — 100 тонна. Бу — ўтган йилдагидан 15 тонна кўп.

ОТАХОНЛАР ИБРАТИ

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг олийҳиммат отахонларидан 60 киши кеча колхоз далаларида 2,5 тонна пахта теришди. Нормуҳаммад Умаров, Норхўжа Сандхўжаев, Шаҳобиддин Собировлар ишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Айни кунларда район далаларида 11.430 киши ишлаб, кунига 240-250 тонна пахта теришга эришяпти.

ШИФОКОРЛАР ДАЛАДА

Гулистон район санэпидстанцияси ходимлари ташаббуси билан «Октябрь» колхозининг барча дала шийпонларида санитария постлари ташкил этилди. Бу ерга медицина адабиётлари келтирилди. Шийпонларнинг санитария ҳолатига масъул кишилар тайинланди, профилактика бурчаклари ҳам очилди. Тушки дам олиш вақтида санэпидстанция ходимлари пахтакорлар билан суҳбатлар ўтказадилар, лекциялар ўқийдилар.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 сентябрь. (ТАСС). Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков Ер атрофи орбитасида 220 кундан буён ишламоқдалар.

Ўтган кунлар мобайнида киши бошқарадиган «Салют-7»—«Союз Т-11» комплекси ичида астрофизик тадқиқотларнинг бир қанча туркумлари бажарилди. Совет Иттифоқи ва Франция мутахассислари биргаликда яратган «Сирень» телескоп-спектрометри ёрдами билан Мерган ва Оққуш юлдуз туркумларидаги галактика ва галактикадан ташқари ҳодисалар рентген манбалари спектрларини ўлчаш ишлари ўтказилди.

Бугун экипажни медицина текширувидан ўтказиш учун кўп вақт ажратилди. Эрталаб станция атмосферасида микроаралашмалар қоставини ўлчаш мақсадида эксперимент ўтказилди. Кўриш ўткирлигини тадқиқ қилиш мўлжалланмоқда. Тадқиқотчи космонавт Олег Атьков узоқ вақт вазнсизлик ҳолатида бўлган одам организмида биохимик состав ва сув-туз алмашинуви хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш учун командир ва борт инженернинг вена томиридан синаб кўриш учун қон олади. «Чибис» ва вакуум костюмда вужудга келтириладиган гидростатик босим имитациясига космонавтлар юрак-томир системасининг реакциясига баҳо бериш мақсадида ҳар томонлама тадқиқотлар ўтказилади.

Телеметрия маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра, станция ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Космонавтлар соғлиғи яхши ва улар ўзларини дуруст ҳис этмоқдалар.

БУГУН—ЎРМОНЧИЛАР КУНИ

Мамлакатимиз территориясининг ярмини эгаллаб турган ўрмонзорларни яшил хазина деб атайдилар. Ўрмон ходимлари кунига бағишланиб 14 сентябрь куни Москвада ўтказилган тантанали мажлисда мамлакат экономикасини ривожлантиришга ва халқ турмуш даражасини оширишга ўрмон, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик саноати ва ўрмон хўжалиги қўшаётган ҳиссани кўпайтириш тўғрисида гапирилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, социалистик мусобақа илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари президиумдан жой олдилар.

СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси А. И. Зверев доклад қилди.

(ТАСС мухбири).

БАЙРАМГА СОВҒА

Бурчмулла ўрмон хўжалиги коллективи ходимлари Ўрмончилар кунини ҳар доим меҳнат совғалари билан кутиб олишади. Сижжак ва Чотқол ўрмон хўжаликларининг ниҳол етиштирувчи ходимлари ўрмонзорларни тўлдириш ҳамда республика ташкилотлари ва корхоналарига сотиш учун 1984 йилда тўрт миллион донага яқин игна баргли, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирдилар.

Давлатга 255 тонна тоғ мевалари ҳосили ҳамда 90 тонна доривор ўсимликлар топширилди. Ўрмон ходимлари Улуғ Октябрь байрамигача давлатга камида 4500 килограмм наъматак, 900 килограмм ёнғоқ, 500 килограмм эирк топширишга қарор қилдилар.

Чотқол ўрмон хўжалигининг Палтов участкаси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган. Норқул Жўматов Палтовда табиат кўрки бўлган ўрмонзорлар ва жониворларнинг яйраб ва соғлом ўсишига ҳамиша кўз-қулоқ. Ў ўрмончилар байрамини катта меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда.

И. Портнов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

О. С. МЎМИНОВ, Ғ. ПАТИЙДИНОВ ВА Д. М. ЙЎЛБОСОВ ЎРТОҚЛАРНИ «ЕНҒИНДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўт ўчириш чоғида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнғинда жасорат кўрсатганлик учун» медали билан мукофотлансин:

Мўминов Одил Сиддиқович — Андижон шаҳридаги ёнғиндан муҳофаза қилувчи ҳарбийлаштирилган қисм ўт ўчириш штаби бошлиғининг ёрдамчиси.

Патийдинов Ғуломжон — Андижон шаҳридаги 1-ҳарбийлаштирилган мустақил ўт ўчириш қисми бўлимининг командири.

Йўлбосов Даврон Маҳамаджонович — Андижон шаҳридаги 1-ҳарбийлаштирилган мустақил ўт ўчириш қисмининг катта ўт ўчирувчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 14 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доценти ўртоқ Асхад Хабировни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Қорақалпоғистон, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах областлари партия активининг 15 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишларида КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини, ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқларини бажариш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Область партия комитетларининг биринчи секретарлари: Нукусда К. С. Саликов, Самарқандда Р. С. Ашуралиев, Фарғонада Х. У. Умаров, Жиззахда Ҳ. А. Шоғазатов доклад қилдилар.

Йиғилишларнинг қатнашчилари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш юзасидан партия ташкилотлари ўтказаётган ишни ҳар томонлама таҳлил этдилар. Камчиликларга ва ҳали ҳал этилмаган масалаларга эътиборни қаратдилар. Комсомолга партиявий раҳбарликни, ёшларни тарбиялашдаги бутун ишни янада яхшилаш йўллари белгиланди. Комсомоллар ва ёшларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлигини ошириш, уларнинг куч-ғайратини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

ҚУРИҚДАГИ ЗАВОД

● Қўриқ воҳанинг Мирзачўл районидаги бешта саноат корхонаси беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилди.

Бунда дастлаб «Таштекстильмаш» заводининг филиали сифатида иш бошлаб, бугун мустақил фаолият кўрсатаётган Гагарин номли металл кукунлари ишлаш заводининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Завод тўқимачилик саноати учун зарур бўлган 7 хилдаги пўлат халқалардан йилига 1 миллион дона тайёрлаш имконига эга бўлди. Шу йилнинг ўтган даврида завод бундай халқалардан 400 минг сўмлик реализация қилди. (ЎзТАГ).

ЭКСПЕРИМЕНТНИ КУЗАТЯПМИЗ

ТОЛАНИНГ АФЗАЛЛИГИ

ПАХТА ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРИ

Ҳаммаси одатдагидек эди: даладан териб чиқилган оппоқ момиқдай пахтанинг илк ғарами, қўшни даладан тўлдирилган илк машина бункери, биринчи «Жанговар варақа». Ленин районидаги «Социализм» колхозининг М. Раҳимова бошлиқ бригадасида худди ўтган йилдагига ўхшаб бу варақа унга — Ҳанифахон Буваматовага бағишланган эди. Нима қипти, унинг фикрича ҳам бу йилги куз ҳар галгидек кузлардан эмасми?

Ҳанифахон бошини қўйи солиб кулимсирайди, эндигина узиб олинган оппоқ момиққа тўла кўсакни ажрата бошлайди, чаноқларни кафтига тера бошлайди. Шу чоқ топилган жавобдан қувонган ҳолда бизга қараб қўлини чўзади:

— Кўряпсизми, тўққизта чаноқ бор. Бу йил пахтанинг пишиб етилиши учун имкон бердик. Биринчи кундан бошлаб мен нима учун жуда кўп теряпман? Ғўзанинг пастки яруси бутунлай бўлакча. — Орада салгина жимликдан кейин у яна қўшиб қўйди: — Тартиб-қоида ҳам бошқача...

Ҳамроҳим Турғунбой Сиддиқов бу ерда биринчи йил раислик қиляпти. Бунга қадар у бош агроном эди. Кейинги етти йил мобайнида алмашлаб экиш жорий этилиши билан «Социализм» колхозида пахта майдони юз гектардан кўпроқ қисқариб кетди, лекин пахта кўпроқ йиғиб олинадиган бўлиб қолди. Ғалла, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари ҳам кўпайди. Аммо ўша йиғиб олинаётган пахтадан қанча тола чиқаётганини илгари ҳисоблашмас эди. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Энди эса иш бошқача.

Юзаки қараганда пахта ўша принцип бўйича сотилаётгандай, яъни ҳар куни топширилган ҳосил учун жамғармага пул келиб тушаётгандай туюлади. Пахта қийматининг 90 проценти ҳажмида пул тўланади. Қолгани эса келаси йили ёз ойларига яқин, ҳосилни толага айлантириб ҳисоб-китоб қилиш чоғида тўланади. Ҳақ тўлашнинг бу системасидан ҳозир хўжалик юритиш тартиб-қоидасини ишлаб чиқмоқ даркор.

Пахта йиғим-терими тугалланганидан кейин кузда оралиқ ҳисоб-китоби ҳам назарда тутилган. Ўнинчи беш йиллик давомида ўртача йиллик пландан ортиқча тайёрланган пахта учун прейскурантда мўлжалланганидан бир ярим баравар юқори баҳода ҳақ тўланади.

Лекин бу ҳисоб-китобнинг илгари ҳеч ким эътибор бермаган бошқа бир жиҳати ҳам бор. Масалан, пахта тозалаш заводи бўйича толанинг чиқиши (бизнингча «Социализм» колхозида бу кўрсаткич ҳам бўлмайди — ҳозиргача бу борада хўжаликлар бўйича алоҳида ҳисоб-китоб олиб борилмас эди) республика бўйича кўрсаткичдан қарийб уч процент юқоридир. Ғарчи бу ерда ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун 29 сўм 80 тийин пул сарфланаётган, яъни пахта етиштириш республика бўйича ўртача кўрсаткичдан қарийб икки баравар арзонга тушаётган бўлса ҳам бир центнер пахта эвазига олинаётган ўртача фойда республика бўйича кўрсаткичдан 16 сўм камдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, қимматроқ баҳоланадиган пахта навлари экилмасдан арзонроқ баҳоланадиган пахта навлари етиштирилади. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: тежашга ҳаракат қилишиб, асосий фойдани қўлдан бой беришади.

— Пахтани тайёрлашдаги янги ҳисоб-китоб шартлари, — дейди Т. Сиддиқов, — ана шу нарсани кўра билишимизга мажбур қилди. Келгуси йилдан бизнинг шароитимизда тўртинчи тип тола бериши мумкин бўлган навга ўтишни мўлжаллаб қўйдик. Бундай толага тўқимачиларда ҳам талаб кучли. Бунинг устига у қарийб икки баравар қимматроқ туради.

Бу — келажакдаги гап. Лекин ҳозир ҳам, айни йиғим-терим чоғида ҳам пахтанинг сифатини кескин ошириш учун кўп иш қилса бўлади. Колхозда ана шундай имкониятни қўлдан бой беришмаяпти. Кун бўйи қўлда терилган барча ҳосилни хирмонда ёйиб қуритишяпти. Кечқурун тайёрлов пунктига фақат кундузи соат тўртга қадар терилган пахтанигина жўнатишмоқда. Қолганини эса эртасига топширишади. Ўтган йили бунинг учун жазолашарди: ғўё йиғим-терим ва тайёрлаш суръатлари пасайиб кетаётибди, дейишарди.

— Ҳозир ҳам жойларда фарғоналиклар орқага қараб кетишяпти, деган гапларни эшитиш мумкин. Бироқ, қўёшни қаршилаб қилинаётган харакатни орқага қараб қадам ташлаш билан қиёслаш мумкинми? — Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Исмонов ҳикоясини шундай бошлади. — Райондаги учта колхоз ўзларининг хусусий гудрон тайёрлайдиган цехларини, қолган бешта хўжалик эса колхозлараро катта цех барпо қилишди. Шу туфайли асфальтланган хирмон майдонлари бир ярим баравар кўпайди. Қўлда териладиган бутун пахтани қуёшда қуритишдек анъанага қайтдик. Бу сифат учун ҳам кураш демакдир.

Республикада пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича агросаноат бирлашмаларини тузиш ҳали тугалланганги йўқ. Уларнинг структураси бу йилги пахта тайёрлаш мавсумининг жонли практикасида ҳам синовдан ўтади. Ленин районига келганда шуни айтиш мумкинки, бу ерда янги агросаноат бирлашмаси ғўё ўзи оёққа турагандай туюлади. Топширилган пахта учун қабул қилинган ҳисоб-китоб шартлари хўжаликларнинг ва пахта тозалаш заводининг манфаатларини уйғунлаштирувчи иқтисодий негиз бўлиб қолмоқда.

Районда саккиз колхоз бор. Улар қирқ минг тоннага қадар пахта етиштиришади. Заводнинг қуввати ҳам шундай миқдордаги ҳосилни қайта ишлашга мўлжалланган. Ҳар бир колхоз бутун пахтани саноат ва биологик навларга ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида сақлашга етадиган даражада майдончаларга (майдончалар етишмаган жойларда эса улар йиғим-терим бошлангунга қадар шошилинч равишда тайёрлаб қўйилди) эгадир. Демак завод хўжаликларнинг манфаатларига зиён етказмаган ҳолда уларнинг ҳар бири топширган пахтани алоҳида қайта ишлаб, тола чиқишини ҳам, толанинг сифатини ҳам алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қила олиши мумкин. Ишни шу таҳлитда ташкил этишнинг илк тажрибалари жуда ибратли бўлди.

Пахта тозалаш заводини ишга туширишдан бир неча кунга етадиган хом ашё запаси бўлмоғи керак. Илгарилари барча хўжаликлар бир хил навдаги пахтани битта ғарамга уйишарди. Ғарамлар кўз ўнгингизда бўй чўзарди. Эндиликда ҳар бир хўжалик ўз ғарамини — битта эмас, бир неча ғарамни уйишади. Пахтани алоҳида-алоҳида қайта ишлаш ни ташкил этишнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Олдинига бу пахта тозалаш мавсумининг бошланишига ҳалақит беради, деб хавфсираган эдик. Бундай бўлмади. Завод қошидаги тайёрлов пунктига биринчи терим ҳосилини олиб келишаётган хўжаликлар дастлабки кунларданоқ қизғин иш бошлаб юборишди. Уларнинг пахтаси биринчи галда тозалана бошлади. Район агросаноат бирлашмаси ҳам шунга тайёрланган эди: Олдиндан ким қачон пахта теримига тушиши, ким эстафетани давом эттириши бўйича график тузиб қўйилди. Тўғри, райондаги энг йирик хўжалик — «Правда Востока» колхози теримга биринчи бўлиб кириши, деб мўлжалланган эди, лекин «Социализм» колхозининг пахтакорлари эпчилроқ бўлиб чиқишди.

Улар уйган ғарам — 360 тонна пахта трубалар орқали завод корпуси томон худди ариқдан оққани каби сўриб олинаётган бир пайтда, «Правда Востока» колхозининг 500 тонналик оппоқ ғарами олдида ҳам одамлар ишга шай туришарди. Шу пайтда областдан келган комиссия пахтани қайта ишлаш кўрсаткичлари билан топширилган пахтанинг барча квитанцияларини солиштириб чиқди. Эртасигаёқ «Социализм» колхозининг биринчи сорт пахтаси уйилган илк ғарамдан тола чиқиши 34,1 процентни ташкил этганлиги маълум бўлди. Шу кунларда бундан кўра оммавийлашган рақам йўқ эди. Бу ҳақда шу заҳотиёқ районга, райондан эса барча колхозлар ва бригадаларга хабар қилинди.

Йўқ, тола чиқиши 34,1 процент бўлганлиги мутлақо рекорд эмас. Бу қўлда терилган ва дастлабки пахта ҳосили учун одатдагидек кўрсаткич ҳисобланади. Лекин илгари ҳар бир хўжалик бўйича бу кўрсаткич алоҳида чиқарилмаган эди. Энди эса ҳамма ёққа ёйилган бу хабар бошқача оҳангда жаранглямоқда.

Бу йил пахта синоптиклар ва текширувчи агрономлар хулосасига қараганда энг қулай келган йилларидаги каби пишиб етилди ва қийғос очилди. Шундай бўлса ҳам теримчиларнинг этакларида биринчи кундан бошлаб ҳали яхши пишиб етилмаган пахта ҳам пайдо бўлмоқда. Афтидан йиғим-терим устидан назорат суст бўлаётир.

Бошқа тортишувлар ҳам оз эмас. Ушбу сатрлар ёзилаётган пайтда энг жанубий область — Сурхондарё областидан ўрта толали пахтанинг биринчи теримидан келтирилган жуда катта миқдордаги ҳосил биринчи сортга қабул қилинмасдан турганлиги, хўжаликлар эса, ўз ҳосилини иккинчи сортга сотишдан бош тортганликлари ҳақида хабар келиб қолди. Хирмонларда 10 минг тоннага яқин ана шундай пахта тўпланиб қолган.

Нима ҳам дердик. Шундай ҳам бўлади. Чанқатиб қўйилган ва пахтаси оқа бошлаган участкалардан терилган ҳосил ана шундай бўлади. Олдинги йилларда ҳам шундай ҳодисалар рўй бериб турарди. Лекин барибир, районларда ва областда дарҳол хўжаликларнинг тарафига ўтиб олишар, пахта тозалаш заводларини айблай бошлашарди. Фикримизча, бу ўринда қизиқ-қонлик кетмайди: Агросаноат бирлашмасида барча шериклар тенг ҳуқуқли, уларни «ўзимизники» ёки «бегона»ларга ажратилмайди.

Лекин яна Ленин районига қайтамиз. Бу ерда ҳам маҳаллий ташкилотларнинг, шунингдек, республика Министрлар Совети Президиуми агросаноат комплекси бўйича комиссиясининг эътиборини жалб қилишга лойиқ масалалар мавжуд.

Завод одатда битта ғарам ҳажмида пахта тозалай бошлайди. Пахтанинг биттта туркумидан иккинчисига ўтиладиган пайтда барабанларда ва тозолаш ишининг бутун давомида учтўрт тоннагача пахта қолади. Ҳозиргача бу «умумники» бўлиб келган эди. Бу ҳақда ҳеч ким бош қотирмасди. Эндичи, иш бутунлай бошқача. Масалан, «Социализм» колхозининг вакили пахтанинг биринчи туркумини тозалаш тугалланганидан кейин бутун линиядан ҳосилнинг сўнгги килограммигача қолдиғини йиғиб олишни талаб қилиб чиқди. Бу ҳаққоний талаб эди. Лекин пахтанинг иккинчи туркумига ўтиш одатдаги ярим соат ўрнига уч соат вақтни олди.

Энди бу ҳол нималарга олиб келишини ҳисоблаб чиқайлик. Ахир ҳар бир хўжаликнинг ҳосилини алоҳида барча тўртта техника ва баъзан эса икки-учта биологик сортлар бўйича қайта ишлаш керак. Демак, заводнинг пахта туркумларини алмаштириш учун тўхтатилиши иш вақтининг кўплаб йўқотилишига олиб келади. Ҳатто бор-йўғи саккизтагина колхоз мавжуд бўлган Ленин районига ўхшаган жойда ҳам бу жуда катта рақамни ташкил этади. Афтидан, пахта тозалаш машиналаридаги ҳосил қолдиғини ва улардан тола олинишини расчёт нормаларига кўра белгилаш ҳам мумкиндир. Ўзаро қатъий жавобгарлик ҳисси билан иш тутиладиган бўлса, ўйлаймизки, бу хўжаликлар ўртасида жанжал ва келишмовчиликларга олиб келмайди. Шунда пахта тозалаш заводларининг асосланмаган тарзда бўш туриши кескин камаяди.

Республикада пахта йиғим-терими кундан кунга қизғин тусга кирмоқда. Андижон ва Фарғона областлари кетидан Бухоро, Навоий, Сурхондарё областлари йиғим-теримни жадал бошлаб юборишди. Бу йил пахтакорларни йиғим-теримни бошлаш кераклиги ҳақида ҳеч ким шошилтиргани ҳам йўқ. Ҳосилнинг пишиб етилишини кутиб туришди. Лекин баъзи бир жойларда мутахассисларнинг фикрича пахта ёппасига очилган бўлишига қарамасдан ҳали имиллаётганлар ҳам бор. Ҳосилнинг учдан икки қисмини машиналар билан териб олиш мўлжалланган. Машина теримини мувафақиятли ўтказиш учун бир ярим миллион гектар майдонда ғўза баргини сунъий йўл билан тўктириш керак. Афсуски, кўпгина хўжаликлар, айниқса, Фарғона ва Зарафшон водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида дефолиация қилиш суст бормоқда.

Ўзбекистонда пахтани етиштириш ва қайта ишлашни бирлаштириш, унинг сифати ва тола чиқишига қараб ҳақ тўлашга ўтиш бўйича катта иш олиб борилди. 122 та завод, ҳосилни ишлашнинг замонавий воситалари билан қуролланган юзлаб тайёрлов пунктларига эга бўлган пахта тозалаш саноати қишлоқ хўжалиги билан ягона комплексга бирлашди. Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари иккита план кўрсаткичини — жами ҳосилни ва олинган толани тан олишади. Биринчиси одатдаги ва маълум кўрсаткич — олти миллион тоннага яқинроқдир. Лекин яна бир бошқа рақам — 1.772 минг тонна тобора қатъийроқ жаранглямоқда. Янги ҳосилдан ана шунча миқдорда тола олиниши керак. Унинг чиқишини қарийб уч процентга ошириш лозим. Вазифа аниқ ва равшан, унинг бажарилиши пахтазордан бошланади.

Г. ДИМОВ,
«Известия» мухбири,
Тошкент.

«Известия», 15 сентябрь.

Оламда нима гап

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МЕКСИКАДА

МЕХИКО, (ТАСС). Мексика Миллий конгрессининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Советининг депутати, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов бошчилигидаги совет парламент делегацияси шу мамлакатни ажнабий босқинчилардан қаҳрамонона ҳимоя қилган кишилар хотирасини эъзозлаш маросимида иштирок этди. Бу маросимлар республика президенти М. де ла Мадрид раислигида ўтди.

Делегация аъзолари бундан 137 йил муқаддам Америка босқинчиларига қарши, ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жангда ҳалок бўлган мексикалик ёш ватанпарварлар шарафига ўрнатилган ёдгорлик олдида бўлиб ўтган тантанали маросимда ҳозир бўлдилар. Миллий конгресс депутати Х. Боррего Эстрада ва ҳарбий билим юртининг курсантларидан бири маросимда сўзга чиқиб, мексикаликларнинг ҳозирги авлоди мустақиллик ва озодлик идеалларига содиқ эканлигини, у мамлакатни агрессор қанчалик қудратли бўлмасин ҳимоя қилишга азму-қарор берганлигини таъкидладилар.

Совет парламенти аъзолари Мексика миллий мудофаа министри дивизия генерали Х. Аревало Гардокининг меҳмонлари сифатида ҳарбий-спорт байрамида ҳозир бўлдилар. Шу байрам чоғида ҳарбий билим юртининг курсантлари — ўтган асрда ватан учун жонини фидо қилган қаҳрамонларнинг ворислари ўзларининг жанговар шайликларини намойиш қилдилар.

Бўлиб ўтган тадбирлар 16 сентябрда нишонланадиган Мексика миллий байрами — мустақиллик эълон қилинган кунга бағишланган тантаналарни бошлаб берди.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Антропология миллий музейини бориб кўрдилар. Улар ҳозирги Мексика территориясида мавжуд бўлган ва истеъдодли Мексика халқининг бой маданий анъаналарини кўрсатувчи қадимги ҳиндилар цивилизацияси ёдгорликлари билан қизиқиб танишдилар.

ТУНИСДА «ТОШКЕНТ КУНЛАРИ»

ТУНИС, **14 сентябрь. (ТАСС мухбири).** Бу ерда Тунис пойтахти билан биродарлашган шаҳарга бағишлаб «Тошкент кунлари» ўтказилмоқда. Шу шаҳарларнинг ҳар бири йил сайин уюштираётган тантанали тадбирларда қатнашмоқ учун Совет Ўзбекистони делегацияси бу ерга келди. Делегация составида «Ташсельмаш» ва Тошкент трактор заводларининг ишчилари, маориф, фан ва маданият ходимлари, шаҳар бошқарув органларининг хизматчилари бор.

Тунис диёрида пойтахт муниципалитетининг вакиллари делегацияни самимий кутиб олдилар.

Пойтахтдаги Конгресслар саройида дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Кечада шаҳар жамоатчилигининг намояндалари, «Тунис — СССР» дўстлик жамиятининг аъзолари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Совет делегацияси Тунисга қилган визити давомида Қайруан, Сус, Монастир, Сфакс шаҳарларига боради.

В. ЛЕБЕДОВ.

БМТ—ХАЛҚЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ АНЖУМАНИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС мухбири.) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик комитети халқларнинг энг муҳим анжумани бўлган ва ер юзида тинчликни сақлашга ҳамда келажак авлодларни уруш фалокатларидан халос қилишга даъват этилган БМТ муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Комитет Нью-Йоркда ўтказилган навбатдаги мажлисда блокларга қўшилмаган мамлакатлар таклиф этган резолюция лойиҳасини таклиф этди. Бу лойиҳада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти юбилейининг байрам қилиниши ядро уруши хавфини йўқотиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро иқлимни соғломлаштириш, давлатлар ўртасидаги кенг ҳамкорликни ривожлантириш ишига ҳисса қўшади, деб таъкидлаб ўтилади. Бу ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 18 сентябрда очиладиган 39-сессияси тасдиғига топширилади.

Резолюция лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида қуйидагилар ўқтириб ўтилди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иккинчи жаҳон урушида фашизмнинг тор-мор келтирилиши натижасида вужудга келди. Совет Иттифоқи фашизмни тор-мор келтиришга ҳал қилувчи ҳисса қўшди.

ГДР ташқи ишлар министрининг ўринбосари, бу мамлакатнинг БМТдаги доимий вакили Г. Отт ташкилот давлатлар хавфсизлигининг моддий-сиёсий ва ҳуқуқий гарантияларини вужудга келтириш йўлидаги ҳаракатларида халқларни бирлаштирди, деди. У айтдики, БМТ ташкил этилгандан буён ўтган қирқ йил мобайнида ўз уставида эълон қилинган мақсад ва принципларни амалга оширишда муҳим роль ўйнади. Мавжуд можароларни ҳал этиш йўлларини кидириб топиш — ташкилотнинг шу кунлардаги энг муҳим вазифасидир.

АҚШ вакили А. Кизнинг комитетда сўзлаган нутқи ҳаммани ғазаблантирди. У туҳмат қилиб, БМТ ўз зиммасига юкланган вазифаларни уддалай олмаяпти, деб даъво қилди. Комитет аъзолари АҚШнинг ташкилотнинг аҳамиятини пасайтириш йўлидаги уринишларига қатъий зарба бердилар. Резолюция лойиҳасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро муносабатлардаги ролини заифлаштириш борасидаги уринишлар» қораланади.

С. БАЙБАКОВ.

СЕПАРАТЧИЛАРНИНГ ЖИНОЯТИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг Панжоб штатида вазият яна ғоят кескинлашди. ПТИ агентлигининг хабар қилишича, қуролли экстремистлар тўдаси Гурудаспур шаҳри районида рейс автобусини тўхтатиб, йўловчилардан саккиз кишини совуққонлик билан отиб ташлади. «Халистон армияси» деб аталган террорчилар гуруҳи шу қонли жиноят учун жавобгарликни ўз зиммасига олди. Шу «армия» байроқлари остида тўпланган Ҳиндистонга қарши сепаратчи муртадлар Шимоли-Ғарбий Панжоб штатининг Ҳиндистондан ажратиб олинишига ва унинг территориясида қўғирчоқ «Халистон давлати» тузилишига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳиндистоннинг давлат ва сиёсат доираларида бир неча марта қайд этиб ўтилганидек, экстремистларнинг ишларини АҚШ, бошқа ғарб давлатлари ва Покистоннинг махсус хизмат маҳкамалари йўналтириб, мувофиқлаштириб турибдилар.

Панжобда сепаратчилар яна хуружлар қилаётганлиги сабабли Ҳиндистон ички ишлар министрлиги шошилинч маслиҳат ўтказиб, унда шу штатдаги аҳвол муҳокама этилиб, террорчиларни тезроқ қамоққа олиш учун шошилинч чоралар ишлаб чиқилди.

ИСЛОМОБОДНИНГ ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ

КОБУЛ. (ТАСС). Покистон ҳарбий режими Вашингтон билан унинг иттифоқчилари Афғонистон Демократик Республикасига қарши авж олдирган эълон қилинмаган урушда актив қатнашмоқда, деб ёзади Бахтар агентлиги. Исломобод АДР территориясига қуролли ҳужумлар қилаётган террорчиларнинг шайкаларига бевосита ҳарбий ёрдам бермоқда. Афғонистонга қарши 50 дан кўпроқ жуда хилма-хил гуруҳ Покистондан панох топди. Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятида жойлашган Пешовар шаҳри аксилинқилобчи тўдаларнинг асосий марказига айланиб қолди.

Исломобод ўзининг бошқа бир қўшнисига нисбатан ҳам душманлик йўлини ўтказмоқда. Покистон маъмурлари Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий районларидаги вазиятни террор ёрдамида беқарор қилишга уринаётган экстремист гуруҳларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Исломободнинг қўшни давлатларга нисбатан қўпорувчилик ҳаракатлари региондаги кескинликни янада кучайтиришга олиб келмоқда. Бундай хатарли йўл Покистон АҚШнинг Жануби-Ғарбий Осиёдаги агрессив сиёсати қуролига айланиб қолганлигидан далолат беради, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги.

ҚУРОЛЛИ АРАЛАШУВ ҚЎЛАМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДАЛАР

МАНАГУА. ТАСС мухбири С. Горбунов хабар беради: Никарагуа мудофаа министрлигининг хабар қилишича, Американинг тез сузадиган иккита «Пиранья» катери Гондурас томонидан республиканинг территориал сувларига бостириб кирган ва иғвогарлиқ мақсадида Чинандега департаментининг соҳили бўйлаб сузиб юрган. Марказий разведка бошқармаси Коринто ва Сандино портларига қароқчиларча ҳужум қилиш, Никарагуа сувларига мина ташлаш учун ана шу ҳарбий кемалардан бир неча марта фойдаланган эди.

Рейган маъмурияти қуроллантириб, пул билан таъминлаётган ана шу контрреволюцион шайкаларнинг бошлиқлари Никарагуа билан Коста-Рика ўртасида табиий чегара деб ҳисобланган Сан-Хуан дарёсига миналар ташлаш ниятида эканлигини сурбетлик билан айтдилар. Қўлга тушган босмачилар Марказий разведка бошқармаси ана шу жиноий хуружни амалга оширишда бевосита қатнашамиз, деб ваъда берганлигига иқрор бўлдилар.

СЎЗНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ЯРИМ АСР МУҚАДДАМ—1934 йил 17 августда—Совет жамиятининг ҳаётида муҳим воқеа рўй берди — Москвада совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съезди ўз ишини бошлади, — дейилади «Правда»нинг яқинда эълон қилинган «Ижодий союзларнинг шарафли вазифалари» сарлавҳали бош мақоласида.—Советлар мамлакатида яшовчи барча қардош халқлар адабиётларининг вакилларини бирлаштирган СССР Ёзувчилар союзининг ташкил этилиши социалистик давлатда адабий-бадиий ишларни уюштиришнинг янгича шаклларига ўтиш эҳтиёжи етилганлиги ифодаси бўлди. Ана шу тарихий съездга раислик қилган буюк пролетар адиби Максим Горький мамлакатимизга, мамлакатимиз халқларигагина эмас, балки бутун инсониятга қимматли бўлган қудратли адабиёт яратиш бурчимиз, деган; яқин келажакда у совет адиблари сафида бешта улуғ сўз санъаткори-ю, қирқ бешта ноёб истеъдод эгасини кўришни орзу қилган эди. Ўшандан буён ярим аср вақт ўтди. Бу давр ичида совет адабиёти юзлаб ёрқин истеъдодларни улғайтирди, шунинг баробарида ўзи ҳам тенгсиз бир юксакликка кўтарилди. Зеро, СССР Ёзувчилари Биринчи съездининг ўзиёқ ана шу порлоқ келажакни ваъда этиб турар эди: Михаил Шолохов, Александр Фадеев, Аркадий Гайдар каби съезднинг қатор делегатлари йигирма тўққизўттиз ёшдаги навқирон адиблар эди. Улар яратган дурдоналар жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарига айланди. Горький орзу қилгани каби совет адабиёти дунё халқлари учун ардоқли бўлган қудратли адабиётга айланди, табиийки, бунда кўпминг сонли совет адибларининг хизматлари беқиёсдир.

Кўпмиллатли совет адабиёти Инсонни улуғлайди, унинг қудратига ва келажагига умид, ишонч билан қарайди. Шу маънода бизнинг адабиёт ҳаёт ва инсон, ижтимоий адолат ва турмушнинг маънавий асослари ҳақида дунё китобхонларида янгича тушунча ўйғотди, уларнинг ажралмас йўлдошига айланди. Саксонинчи йилларнинг бошида, атиги тўрт йил ичида совет адабиёти намуналари жаҳон халқларининг қирқ етти тилида чоп этилганлиги, дунёда асарлари энг кўп ўқиладиган адиб деб Василь Быков эътироф этилганлиги ҳам совет адабиётининг нуфузи кун сайин ўсиб бораётганлигидан далолат эмасми! Адабиётимизнинг камолоти ҳар биримизнинг фахримиз, ғуруримиздир!

Бу парвоз, табиийки, осонликча қўлга киритилганлиги йўқ, унинг абадийлигини таъминлаш йўлида курашган ва курашаётганлар сафида ўзбек совет адабиётининг катта отряди ҳам борлиги ғуруримизга ғурур қўшади. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари Иттифоқ китобхонларининг маънавий мулкига айланди. Инқилобнинг оташин куйчиси яратган асарлар бугунги кунда чегара билмай, янада юксакроқ парвоз этаётир.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ Ўрта Осиё халқлари тақдирида мисли кўрилмаган бурилиш ясади, ўтган олтмиш йил мобайнида республикаларимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди — гуллаб-яшнади. Ёшларимиз ўтмишни қанчалик чуқур билишса, бугунги куннинг, бу фаровон турмушнинг қадрига шунчалик етишади. Шу маънода ўзбек совет драматургиясининг қалдирғоч асари бўлмиш «Бой ила хизматчи», ўзбек ва тожик совет адабиётларининг асосчиларидан бири — Садриддин Айнийнинг «Қуллар», «Дохунда», «Эски мактаб», «Судхўрнинг ўлими», улкан сўз санъаткори Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларининг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Бадиий баркамол бу асарлар шакли, мазмуни ва жозибаси билан ҳамон дилларни ҳайратга солади.

Совет адабиётининг ва адибларимизнинг ҳар бир ютуғида ҳаётбахш кучлар таъсири ва рағбатини сезмаслик мумкин эмас. Бу, аввало, Коммунистик партиянинг адабиёт ва санъат соҳасидаги сиёсати, маданиятимиз тараққиёти йўлида изчиллик билан кўрсатаётган отаҳоҳ ва ҳамкорлиги самарасидир. Ҳали 1932 йилнинг 23 апрелидаёқ ВКП(б) Марказий Комитети «Адабий-ижодий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» қарор қабул қилди, шу йил республикамизда Ёзувчилар союзи ташкилот комитети тузилди... Союзимиз ва адабиётимиз камолоти йўлида заҳмат чеккан устозларнинг кўпчилиги бугун — союзимизнинг ярим асрлик тўйида — орамизда йўқ. Лекин уларнинг аксарияти ўзларига мангулик қайкали қўйиб кетишди. Ойбек ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Мақсуд Шайхзодалар номи адабиётимиз ифтихорига айланди. Халқимизда, яхшидан боғ қолади, деган гап бор, улар ўзларидан яшноқ-яшноқ боғ қолдиришди. Ана шу боғлардаги ширин-шакар мевалар — ўлмас анъаналар адабиётимизнинг кейинги равнақини белгилаб берди. Бу устозлар халқимиз ва адабиётимиз учун яна бир бебаҳо ишни қилишди — рус классик ва совет ҳамда жаҳон адабиётининг ўлмас намуналарини она тилимизга таржима қилишди. Пушкин, Гоголь, Толстой, Горький, Шолохов, Островский каби қатор сўз санъаткорлари яратган дурдоналар халқимизнинг маънавий хазинасини бойитди.

«Ўзбекистон адабиётининг, аввало ўзбек адабиётининг тараққиёт жараёнининг суръати ниҳоятда жадаллигини, динамикасининг кучли эканлигини қайд қилмоқ зарур», деб ёзади таниқли совет адабиётшуноси Юрий Суровцев. Дарҳақиқат, турли йўналишлар, тажрибалар ва ижодий изланишларнинг самараси тарзида адабиётимиз кескин ривожланмоқда. Шу ўринда оқсоқолларнинг ёшларга рағбатини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Зеро, шундай удумимиз бор: давранинг тўри — оқсоқолларники. Улар даврамизга файз ва нур киритади, уларнинг оқилона маслаҳати, йўл-йўриғи ишларимизнинг ривожини таъмин этади. Давр талабига ҳамиша ҳозиржавоб оқсоқолларимиз, устозларимиз Уйғун, Комил Яшин, Зулфия ва Назир Сафаровлар ижодда бизга мадад бўлмоқда, ўрнак бўлмоқда. Уларнинг қаламига мансуб бўлган ва долзарб ижтимоий масалалар кўтарилган публицистик мақолалар, жўшқин шеърлар ва эпик асарлар адабиётимизнинг янги саҳифаларини ташкил этаётир, энг муҳими, уларнинг ғайрати-шижоати айрим сусткаш ёшларимизни фаолликка чорлаётир.

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИ аввал бошдан интернационал адабиёт бўлган ва шундай бўлиб қолади. Кўпминг сонли ўзбек китобхонлари Сергей Бородин, Михаил Шевердин, Александр Удалов, Борис Пармузин, Зиннат Фатхуллин, Шомил Алядин, Рўзи Қодирий каби турли миллатга мансуб шоир ва адиблар асарларини қўлдан қўймай ўқиб келади, бу қалам соҳиблари бизнинг умумий ишимиз — коммунизм бунёдкори бўлмиш янги инсонни камол топтириш ишига, умумадабиёт ишига салмоқли улуш қўшиб келишаётир.

Совет адабиётида Улуғ Ватан уруши мавзуи алоҳида ўрин тутади, бу бежиз эмас. Улуғ Ватан уруши даври мамлакатимиз ва халқларимиз тақдиридаги буюк жасорат давридир. Фронтда ва фронт орқасида барча қатори адибларимиз ҳам фаоллик кўрсатишди, ўзбекистонлик ёзувчи ва шоирлардан ўттизга яқини Ватан ҳимоясида иштирок этишди. Султон Жўра, Шуҳрат, Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, Мирзаколон Исмоилий, Назармат, Баҳром Раҳмонов ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Ҳарбий-ватанпарварлик адабиётимизнинг бугунги миқёслари жангчи-адибларимизнинг ҳормай-толмай тўккан терлари эвазига забт этилди. Халкларимиз бошига катта ташвиш тушган ўша оғир даврда адабий алоқаларимиз янада мустаҳкамланди, Тошкентда яшаб, ижод этган А. Толстой, А. Ахматова, Я. Колос, Н. Погодин, К. Чуковский, В. Жирмунский сингари ўнлаб йирик ёзувчи, шоир ва муноққидлар ўзбек совет адабиётининг, халқ оғзаки ижодимизнинг ноёб намуналарини она тилларига таржима қилишди, адабиётимизнинг бўйи-басти йироқ-йироқлардан кўзга ташлана бошлади...

Биргина ўтган йили пойтахт нашриётлари Сарвар Азимовнинг «Юлдузлар жамоли», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», Тулепберган Қайипбергановнинг «Қорақалпоқ достони», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» ва яна бир қатор шоир-у, адибларимизнинг китобларини Иттифоқ китобхонларига армуғон этди. Бугунги кунда таниқли шоирамиз Зулфиянинг латиф шеърлари кириб бормаган хонадон мамлакатимизда кам топилади. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», Асқад Мухторнинг «Чинор», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Миртемирнинг «Меъмор» Рамз Бобожоннинг «Обиҳаёт» каби асарлари, Шукрулло, Иброҳим Юсупов шеърлари ҳам умумиттифоқ китобхонлари меҳрига сазовор бўлдики, бу ўзбек адиблари катта адабиётимиз равнақи йўлида самарали заҳмат чекаётганликларидан далолат беради. Ҳаётга фаол аралашув, ижодкор тафаккурининг улкан ижтимоий ва маънавий масалаларга, турмуш тарзимиздаги қувонарли ўзгаришларга қаратилганлиги пешқадам адибларимизнинг энг сара асарларида яққол кўзга ташланаётир, бу фазилатлар Иттифоқ танқидчилари томонидан эътироф этилаётганлиги қувончли, албатта. Ижодий муваффақиятларимиз шуни англатадики, адибларимиз халқ дарди билан яшашмоқда, келажакни кўра олган ҳолда жамиятимиздаги илғор тенденцияларни, ҳаётнинг ички тўлқинларини ўз асарларида изчил ва теран тадқиқ этишга интилишмоқда. Яъни, Чингиз Айтматов айтгани каби, **«истеъдодли, йирик ўзбек ёзувчилари ҳам умумсовет адабиётида бўлаётган сифат ўзгаришлари ва чуқур изланишлар руҳида иш тутмоқдалар»**.

Устозлар изидан дадил от суриб келаётган Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев ва Ўктам Усмонов, Ўлмас Умарбеков ва Ҳалима Худойбердиева, Ўткир Ҳошимов ва Омон Матжон каби қатор истеъдод соҳиблари гўзал шеърлари, латиф насрлари билан ихлосмандларни хушнуд этишмоқда.

КИТОБ ва КИТОБХОН ҲАЁТИДАГИ хасосе воситачи, адабиётимиз жонкуярлари — танқидчиларимиз, толмас драматургларимиз ютуқлари ҳам салмоқли. Адабиётимизнинг ярим асрлик солномасида уларнинг хизматлари алоҳида ўрин тутади. КПСС XXVI съездига қилинган ҳисобот докладида, **«совет жамиятининг маънавий ҳаёти тобора хилма-хил ва бой бўлиб бораётган экан, бу маданиятимиз арбобларининг, адабиёт ва санъатимизнинг шак-шубҳасиз хизматидир»**, дея таъкидлаб ўтилди. Бу — умумсовет адабиётининг таркибий қисми бўлган ўзбек совет адабиётига ҳам тегишли баҳо, деб биламиз. Бу юксак баҳо зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Аслида, ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар оз эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми барча қатори биз — ижодкорлар олдига ҳам улуғвор вазифалар қўйди. Пленум республика маънавий ҳаётида туб бурилиш ясади, социалистик жамиятга хос бўлмаган иллатларни фош этди. Пленумнинг қарор ва кўрсатмалари ёзувчилар ташкилотимиз фаолиятини янада кучайтиришни, ёзувчининг халқ билан муносабатини янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Зеро, ижодкор жамиятнинг виждони бўлмоғи лозим. Бутун куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни шу эзгу ишга сафарбар этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ижодимиз, меҳнатимиз — партия ва халққа! Шу улуғ ниятга амал қилиб тер тўкаётган адибларимиз, шуҳра йўқки, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг қутлуғ олтмиш йиллик тўйини муносиб армуғонлар билан кутиб олишади.

Саъдулла КАРОМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари

ҚОРАКЎЛЧИЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Қорақўлчилик республика чорвачилигининг муҳим тармоқларидан биридир. Жаҳон бозорларида «Бухоро қорақўли» номи билан машҳур бўлган қорақўл терилари ўзининг ранг-баранглиги, жилоси ва жингалаклиги билан мамлакатимизда ҳамда чет элларда мана шу ажойиб мўйнанинг нозик дидли истеъмолчиларини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда.

Республика қорақўлчилари эришган муваффақиятлар ҳаммага маълум. Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили ичида 6,7 миллионта қўзи, шу жумладан 4,6 миллионта урғочи қўзи парвариш қилиш учун қолдирилди, 7,4 миллионта қорақўл тери, 267100 тонна қўй гўшти, 97400 тонна жун етиштирилди, қорақўл қўйлар 5,6 миллион бошга етди.

Қорақўлчилик чўл чорвачилиги тармоғи, чўл яйловларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли қорақўлчилик ишларини юритиш технологиясида кўп жиҳатдан ҳали экстенсив формалар сақланиб келмоқда. Яқин вақтларга қадар жуда кенг чўл яйловлари мавжудлиги шароитида анъанавий экстенсив методлар билан қорақўлчилик маҳсулотлари етиштириш ўзини оқлаб келаётган эди. Эндиликда эса, асосан бирмунча серҳосил ва табиий ўт-ўланларга бой чўл яйловлари суғорма деҳқончилик учун интенсив ўзлаштирилаётганлиги олимлар билан хўжалик ходимлари олдига республикада қорақўлчиликни ривожлантиришнинг йўналишларини, унинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ўрнини белгилаш вазифасини қўймоқда. Бунда ёввойи ўт-ўлан уруғларини сепиш йўли билан чўл яйловларини яхшилаш суръатларини жадаллаштириш, зарур миқдордаги хашакни муттасил етиштириш учун шароит яратиш проблемаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Шу билан бирга қўйлар туёғини ҳозирги даражада сақлаб қолиш, бунинг устига уларни кўпайтириш ва қорақўл қўйларнинг маҳсулдорлик имкониятларини яна ҳам тўлиқроқ рўёбга чиқариш, қўйларни парвариш қилиш ва кўпайтиришнинг анъанавий усулларини, қорақўлчилик хўжаликларининг фаолиятида ўртага қўйилган вазифалар ва уларнинг ихтисослашувига қараб баҳо бериш мезонларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Чўлнинг экстремал шароитларида қорақўл қўйлардан оқилона фойдаланиш, ҳар йили қорақўлчилик маҳсулотларини муайян ҳажм ва сифатда барқарор етиштириш муҳим аҳамият касб этади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, селекциячилик-наслчилик ишлари яйловлардан фойдаланиш ва яхшилаш, қорақўл қўйларни парвариш қилиш ва боқиш технологияси, қорақўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда бошқа масалаларга доир илмий ечимларнинг ғоят катта кўпчилиги биринчи навбатда Ўзбекистон ССР қорақўлчилигида синовдан ўтказилиб, жорий этилди.

Республикада ранг-баранг қорақўл қўйларнинг завод типларини ва ҳар-хил тери типларини яратишда, қорақўлнинг энг қимматли навларининг ҳажми ва турларини кенгайтиришда катта муваффақиятларга эришилди. Чунончи қулранг тусдаги қорақўл терининг салмоғи жами ҳажминг 10 процентидан сур терилар эса 20 процентидан ошиб кетди. Қорақалпоқ ва Сурхондарё насл типларига мансуб оригинал ранглардаги сур терилар йил сайин кўпроқ олинмоқда, биринчи навли терилар етарлича юксак даражададир. Чўл озуқабоп экинлари уруғчилиги йўлга қўйилган, яйловларни фитомелиорация қилиш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Қорақўл қўйларни ўраб қўйилган маданий яйловларда парвариш қилишнинг илғор технологияси жорий этилмоқда.

Айни вақтда зарур илмий ва моддий техника шарт-шароитлари мавжудлигига қарамай, қорақўлчиликнинг саморадорлиги ҳамон бугунги кун талабларига мос келмаяпти. Етиштирилаётган қорақўл сифати айниқса кўп ташвиш тўғдирмоқда. Кейинги йилларда етиштирилаётган қорақўл терилларда паст товар хусусиятларига эга бўлган ва мўйна саноатида талаб этилмаётган майда терилар салмоғи кескин кўпайиб кетди, қорақўл тери навларининг унча қимматли бўлмаган группалари ошди. Чунончи, айрим йилларда майда тери олиш 20 процентгача етди. Қорақўлчиликда кўп қўзи олиш имконини берадиган СЖК стимуляторидан ҳамма жойда, системасиз равишда ялпи қўлланиш шундай аҳволнинг юз беришига асосий сабабларидан биридир. Бу эса аввало қорақўлчилик хўжаликлари, чўпонлар ва мутахассислар фаолиятининг асосий мезони ҳар 100 бош совлиқдан қўзи олиш кўрсаткичи бўлиб қолганлиги билан боғлангандир. СЖК препаратига барча камчиликлардан халос қиладиган восита деб қараладиган бўлди. Шунга қарамай, республикадаги кўпчилик қорақўлчилик совхозлари кўп қўзи, айрим йилларда эса ҳар 100 бош совлиқдан 150 тагача қўзи олган ҳолда йилдан йилга зарар кўрадиган хўжалик бўлиб қолмоқда. Поданинг жинс-ёш структураси бузилди. Поданинг энг унумли қисми бўлган совлиқлар салмоғи 1984 йилнинг 1 январида республикада 56 процентни, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда 42, Бухоро областида 60, Навоий областида 60, Қашқадарё областида 52, Самарқанд областида 55, Сурхондарё областида 52, Жиззах областида 54 процентни ташкил этди. Селекция-наслчилик ишига, теріларни дастлабки ишлашга бўлган қизиқиш ғоят пасайиб кетди, зоотехник-селекциячиларнинг роли ва аҳамияти йўқолди, хўжаликларда қўйларни селекция жиҳатидан, қўчқорларни насл сифатига қараб текшириш ва бошқа шу каби энг оддий зоотехника тадбирлари ўтказилмаяти. Қишлоқ хўжалик органлари хўжаликдан селекция-наслчилик иши юзасидан ҳисобот талаб қилмайдиган бўлиб қолдилар.

Илмий-тадқиқотлар ва айрим совхозлар иш тажрибасининг натижалари шуни кўрсатдики, фан ишлаб чиқкан ва ишлаб чиқаришга таклиф қилинган қорақўл қўйлар билан селекция иши олиб бориш усуллари жониворларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатлари яхшиланишини ҳамда юқори сифатли қорақўл тери етиштиришлишни таъминлаяпти. Шу билан бирга маълумки, жониворларнинг маҳсулдорлиги уларнинг генетик потенциали билангина эмас, балки уларни асраш, озиқлантириш шароитлари билан ҳам белгиланади. Қўлланилаётган технология усуллари эса буларни тўлароқ рўёбга чиқаришга кўмаклашиши ёки халақит бериши мумкин. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, қорақўл қўйлар билан селекция-наслчилик ишини ташкил этиш масалаларида технология интизомини бузиш ҳоллари қорақўлчиликда деярли «норма» бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси (ВАСХНИЛ)ни қорақўлчиликда СЖКни кўп йил давомида қўлланишни пухта таҳлил қилишга ва унинг самарадорлигига холисона баҳо беришга мажбур этди, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги эса шу йил июль ойида Тошкентда шу масала юзасидан Бутуниттифоқ кенгашини ўтказишга мажбур бўлди. Буларнинг ҳаммасини назарда тутиб, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 1984 йил 30 июлда «Қорақўлчиликда байтал қони зардоби (СЖК)ни қўлланишни тақиқлаш тўғрисида» 169 рақамли буйруқ чиқарди.

Қўй гўшти ва қорақўл териси етиштирувчи ихтисослашган бўрдоқичилик комплексларидан ташқари қорақўлчилик хўжаликларидан СЖКдан фойдаланишнинг шу йилдан бошлаб бекор қилиниши:

— совлиқлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш муддатини узайтириш, подада уларнинг салмоғини 70-75 процентга етказиш, барча соғлом урғочи қўзиларни сақлаб қолиш ва ўстириш ҳисобига қорақўл қўйлар туёғини кўпайтириш;

— қорақўлчилик хўжаликларини муайян рангдаги ва тери типидаги қўйларни урчитиш ҳамда экспорт ва мўйна саноати талабларини қондирадиган қимматли рангли ва навли қорақўл тери етиштириш бўйича ихтисослаштиришни чуқурлаштириш;

— қорақўл қўйларнинг табиий серпуштлигини ошириш соҳасидаги ишларни кенгайтириш;

— қўйларни сақлаб қолишни таъминлаш, соғлом юқори классли қўзилар етиштириш ҳамда нормал катталикдаги ва юқори сифатли қорақўл тери олишни таъминлаш учун чўпонлар ва қорақўлчиликдаги бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш системасини қайта кўриб чиқиш;

— биринчи нав қорақўл тери олиш сифатига баҳо беришнинг мавжуд принципларини қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этади.

Кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши қорақўлчиликнинг самарадорлигини оширишни, етиштирилаётган маҳсулот сифатини яхшилашни шубҳасиз таъминлайди. Қорақўл терига бўлган янги тайёрлаш стандарти ҳам бунга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Бунда қорақўл теріларнинг сифатига бўлган талаблар кучайтирилгандир. Янги тайёрлаш стандарти 1985 йилнинг 1 январидан кучга киради.

Шу муносабат билан қорақўлчилик хўжаликлари фаолиятида селекция-наслчилик ишини йўлга қўйиш, технология интизомига қаттиқ риоя қилиш масалалари биринчи ўринга қўйилмоқда.

Қорақўлчилар олдида турган вазифалар фойдаланилмаётган имкониятларни тез вақт ичида ўрганиб чиқиш заруриятини, ҳар бир хўжаликда моддий ва одам ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Асосий қорақўлчилик хўжаликларида яйлов-озуқа шароитлари ноқулай келган шу йилда бу айниқса муҳимдир.

Қўйларни ёз фаслида ўтлатишнинг ва қўзиларни совлиқлардан ажратиб олишнинг тугаганлиги шуни кўрсатдики, кўпчилик хўжаликларда паст семизликдаги қўй ва қўзиларнинг салмоғи каттадир. Қочириш мавсуми бошланишигача икки ҳафтадан ҳам кам вақт қолди. «Узглавкаракулпром» совхозларида 2,5 миллион бош совлиқ, шу жумладан 530 минг бош биринчи марта қўзилайдиган совлиқлар қочирилади. Чўпонлар ва мутахассисларнинг бутун куч-ғайрати қўйларни яйловда семиртиришни ташкил этишга қаратилиши лозим. Айрим мутахассислар совлиқлар яхши семиртирилмаганида ва яйлов-озуқа шароитлари қониқарсиз бўлган тақдирда қўйларни сунъий қочирмасдан, айниқса, биринчи марта қўзилайдиган урғочи қўйларни эркин қочириш билан чекланиш мумкин деган фикрни билдирмоқдалар. Бу мутлақо нотўғри фикрдир. Ўтказилган тадқиқотлар ва тажриба шуни кўрсатдики, совлиқлар яхши семизликда бўлганида ҳам озуқа билан таъминланмаган йил шароитларида қочириш кампанияси чўзилиб кетиши, қўйлар тез-тез қочирилиши мумкин, кўплаб қисир қолиш ҳоллари кузатилади. Бундай ҳолларда концентрат озуқа билан қўшимча озиқлантириб, қўйларни сунъий қочириш яхши натижалар беради. Шуни назарда тутиш керакки, самарали қўшимча озиқлантириш фақат 18-20 кундагина намоён бўлади, шу боисдан қўйларни қўшимча озиқлантиришни ташкил этишни сира ҳам кечиктириш ярамайди. Концентрат озуқани тежаш мақсадида бундай озуқа билан фақат қочирилмаган қўйларни озиқлантириш мумкин, сунъий қочирилган қўйларни қўшимча озиқлантирмасдан, уларни кечаю-кундуз ўтлатиб боқишни ташкил этиш билан чекланиш мумкин. Қўйларни сунъий қочиришни ташкил этиш имконияти бўлмаган фавқулодда ҳоллардагина қўчқорларни ўз вақтида тайёрлаш, уларни яхши семиртириш айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бунда ем-хашакни тежашга интилмаслик керак.

Бу йил шароитларида қорақўл қўйларни кўпайтиришнинг айрим зоналарида айниқса яхши семиртирилмаган ва бир ярим ёшли қўйларни сунъий қочиришни ўз вақтида ўтказиш қийинчиликлари вужудга келаётганлигини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бундай қўйлар бутун совлиқларнинг камида 34 процентини ташкил этади. Бундай ҳолларда қўйларни кўк беда билан озиқлантириш ва ўриб олинган бедапояларда ўтлатиш, шунингдек қўйларни сунъий қочириш учун мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқилган препаратлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Қорақўлчиликда СЖКни қўлланишнинг бекор этилганлиги келгуси, 1985 йилда қўйлардан ялпи қўзи олишга муайян таъсир ўтказиши мумкин. Хўш, бундан аввалги йиллардагига нисбатан қўзи олишнинг шубҳасиз камайиб кетишини қоплаш учун қорақўлчилар қандай резервларга эга? Бу савол аввало урғочи қўйларни сақлаб қолиш, қўйларни вақтидан олдин, ассоссиз бракка чиқаришга йўл қўймаслик, қўйларнинг имкони борича кўпроқ бўғоз бўлишига эришиш, қисир қолишининг олдини олиш, қиш даврида эса уларни совуқ қотишига, шамоллашига йўл қўймасликдир. Бизнинг қатъий фикримизча, яқин 2-3 йил ичида пода структурасини талаблар даражасига етказиш (урғочи қўйларнинг 70 проценти) қўшимча равишда камида 300-400 минга қўзи олиш имконини беради.

Шу йил туғилган урғочи қўзилар пландан ташқари қўзи олиш учун муҳим резерв ҳисобланади. Илғор чўпонларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, айрим отарларда яхши ривож топган урғочи қўзилардан подалар тузиш, концентрат озуқа билан қўшимча озиқлантирган ҳолда яйловда боқишни ташкил этиш ва 7-8 ойлик соғлом урғочи қўзиларни эркин қочириш қорақўл тери олиш учун сўйиш мақсадида 20-40 процентгача қўзи олиш имконини беради.

Бу йил қўйларни қочириш анча эрта муддатларда утказилади. Шу боисдан совлиқлар ҳам бирмунча барвақт қўзилай бошлайди. Тажрибада шу нарса исботландики, совлиқлар ва қўзилар протеин, витамин ва минерал моддага бой бўлган яйловлардаги баҳорги кўк озуқани узоқ вақт давомида истеъмол қилиши туфайли барвақт туғилган қўзилар яхши ўсади. Бундай қўзилардан биринчи марта жун кўп қирқиб олинади ва улар яхши парвариш қилинган ва ҳаётининг биринчи йилидаёқ уларнинг 50-60 проценти қочирилиб, пландан ташқари шунча процент қўзи олиниши мумкин. Кейинчалик қорақўл қўйларининг барвақт қўзилаши жониворларни боқиш технологиясида етакчи ўринни эгаллаши лозим. Бунда барвақт туғиладиган қўзилар учун кўтонларни ва иссиқ хоналарни ҳозирдаёқ тайёрлаб қўйиш, қўй қўраларида ишлатиладиган анжом ва ускуналарни тайёрлаш масаласини ҳал этиш лозим.

Янги шароитда қўй гўшти ва қорақўл тери етиштириш билан шуғулланувчи ўрдоқичилик комплексларининг аҳамияти ғоят ўсади. Бундай комплекслар хўжаликлардан келтириладиган совлиқларнинг камида 80 процентидан қорақўл тери олинишини таъминлашлари лозим.

Қўрақўлчиликни янада ривожлантириш манфаатлари яйловларда фитомелиоратив ишларнинг суръатларини кескин равишда оширишни талаб қилади. Яйловлардаги озуқабоп ўсимликлар (изень, кейрук, комфоросма, чоған, қора саксовул ва ҳоказо) уруғлигини тўплашга яхши тайёргарлик кўриш ва уни юксак даражада ўтказиш ҳамда бу йил шу ўсимликлар уруғлигини қулай муддатларда экиш зарур, бу эса ўн биринчи беш йилликда ва 1990 йилгача қорақўлчилик хўжаликларида яйловларни яхшилаш юзасидан белгиланган программанинг бажарилишини таъминлайди.

Сифатли, майдаланган ва донадор озуқа тайёрлаш ҳамда шу озуқа билан жониворларни боқиб, қочириш кампаниясини ва қўйлар қишловини сифатли ўтказишнинг ҳал қилувчи омилидир.

Шу мақсадда хашак майдалайдиган техникани ва грануляторларни шошилинч тарзда ремонтдан чиқариб, фойдаланишга топшириш тавсия этилади.

Қорақўлчилик олдига қўйилган вазифалар хўжаликнинг ҳар бир раҳбари ва мутахассисидан иш услуби ва методларини тубдан қайта кўриб чиқишни, фан ва илғор тажриба ютуқларини практикага кенг жорий этишни, сўмнинг қадрига етишни талаб қилади.

С. АСОМОВ,
Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Р. ВАЛИЕВ,
Селекция ва генетика бўлимининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Н. ЗУЛФИДДИНОВ,
«Узглавкаракулпром» бошлиғи.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

15 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахтида СССР Ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб катта адабий кеча ўтказилди.

Ишчилар, колхозчилар, олимлар, инженерлар, ўқитувчилар — бугунги кунда шоирлар ўз шеърларини бағишлаётган, уларнинг образлари романлар, повестлар, ҳикоялар саҳифаларида акс эттирилаётган кишилар В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига келдилар. Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горький совет ёзувчиларининг 1 съездида ана шу кишилар — ҳаёт бунёдкорлари бўлмиш янги қаҳрамонлар ҳақида гапириб, бундай деган эди: социалистик реализм адабиётининг мақсади — табиат кучлари устидан ғалаба қозониш учун, ер юзида яшаш буюк бахти учун одамнинг энг қимматли шахсий қобилиятларини узлуксиз ривожлантиришдан иборат одам ягона оилага бирлашган инсониятнинг бутун ажойиб маскани сифатида шу ерни парваришлашни истайди.

Адабий кеча қатнашчилари Горькийнинг кучайтирилган овозини эшитдилар. Ёзувчининг фикрини давом эттириб, унинг даъватига жавобан барча авлодларнинг шоирлари партияга, Ленинга, совет кишисига, жонажон диёрга бағишлаб тўқиган улуғвор қасида янгради.

Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон ўз шеърларини ана шу қасидага қўшган эдилар. Кеча қатнашчилари уларнинг овозларини ҳам эшитдилар.

СССР халқлари дўстлиги саройида қардош республикалар шоирларининг шеърлари ҳам янгради. Бу адиблар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўз шеърий туҳфаларини топшириш учун республикамизга келишган.

Шоирлар шу куни тинчлик, дўстлик, қардош халқларнинг мустаҳкам иттифоқи тўғрисида, ҳур совет диёри ҳақида ажойиб қасида тўқидилар.

(ЎзТАГ).

ҚИРҒИЗ ШОИРЛАРИНИНГ ШЕЪРЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Вобкент район маданият уйида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Қардош Қирғизистон ёзувчилари Н. Бойтемиров, Ж. Абдикаликов, Т. Адашбоевлар кечанинг фахрли меҳмонлари бўлишди.

Меҳмонлар ижодий режалари билан бақамлашдилар, янги ёзган асарларидан парчалар ўқиб бердилар. Кечада район ҳаваскор ансамбллари қатнашчиларининг ижросида Ленин партияси, дўстлик, тинчлик тўғрисидаги қўшиқлар янгради.

(ЎзТАГ).

СУРИЯЛИК МЕҲМОН

Сурия Араб Республикаси Араб Социалистик уйғониш партияси бош секретарининг Совет Иттифоқида дам олаётган ўрнбосари Абдалла ал-Аҳмар Тошкентга келди. Аэропортда меҳмонни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ғ. Ҳ. Қодиров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Абдалла ал-Аҳмар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини ва шаҳарнинг диққатга сазовор бошқа жойларини бориб кўрди. У Бухоро ва Самарқандга ҳам сафар қилади.

КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. И. Вавилов суриялик меҳмоннинг сафарида ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

ОЛТИН КУЗ ИНЪОМЛАРИ

«Олтин куз» шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашларига Россия қўшиқларини, Белоруссия ва Озарбайжон рақсларини, Молдавия оҳангларини саҳнада ижро этиш билан инъом қилмоқда. Бутуниттифоқ санъат фестивали театрлар, маданият саройлари, ишчи ва қишлоқ клубларида давом этмоқда.

Шаҳрисабздаги В. И. Ленин номли колхозда Озарбайжон ашула ва рақс ансамбли билан «Шодиёна» қишлоқ ҳаваскорлик коллективининг биргаликдаги концертлари бошланди. Кўпг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ТАРОНАЛАР ТАРОВАТИ

«ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» III БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

Фестиваль қатнашчиси — Россия давлат рақс ансамблининг Навоий областидаги гастроллари муваффақиятли давом этмоқда.

Санъаткорлар Навоий шаҳрида катта концерт қўйиб беришди. Халқлар дўстлиги, тинчлик ва муҳаббатни улуғловчи, далалардай сахий ва гўзал рус қалбини ифода этувчи бир-биридан жозибадор, мазмундор рақслар томошабинларда зўр таассурот қолдирди. Ансамблнинг ҳар бир чиқиши гулдурос қарсаклар, гуллар билан олқишланди.

Меҳмонлар Навбаҳор районидаги «Бухоро» колхози пахтакорлари ҳузурига ташриф буюришди. Улар бу ерда белларига этак боғлаб деҳқонлар билан ёнма-ён пахта тердилар. Республикамизнинг улкан хирмонига ўз ҳиссаларини қўшганларидан мамнун бўлган ансамблнинг бадиий раҳбари РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Лукьянова бир сиқим пахтани қўлига олиб бундай деди:

— Қаранг, пахтанинг салмоғи қанчалик енгил. Аммо унинг меҳнати нақадар оғирлигини бугун ҳис қилдик. Пахтани «оқ олтин» деб эъзозлашади, чаноғини қитъаларга, улардаги бойликларга қиёслашади, қанчалик реал ҳақиқат бу. Далаларда кўрсатилаётган жасорат, меҳнат кўтаринкилиги бизни ҳайратга солди. Чаман-чаман бўлиб очилиб ётган пахтазорлар гўзал. Буларнинг ҳаммаси дилимизда янги режалар уйғотмоқда. Олтин қўлли қардошларимизнинг қаҳрамонона ишлари янги-янги асарлар саҳналаштиришда бизга сўнмас илҳом бағишлайди.

Россия давлат рақс ансамбли коллективи Нурота райони меҳнаткашлари, заҳматкаш чўпонларининг ҳаёти, меҳнат фаолияти билан ҳам танишди.

«Ғозғон» совхози, гилам тўқиш фабрикаси, мармар карьерида бўлган учрашувлар қардош халқларнинг дўстлиги, меҳнат ва санъат иттифоқининг ажойиб тимсолига айланди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: Тошкентдаги санъат фестивали қатнашчиси Белоруссия ССР «Хорошки» фольклор-хореография ансамбли. М. Исломов фотоси.

ҚАРДОШЛИКНИ УЛУҒЛАБ...

ҚИРҒИЗИСТОН. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси, Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Компартиясининг олтмиш йиллик юбилейи олдидан қирғиз диёрида ўзбек совет адабиёти кунлари ўтмоқда. Адабиёт кунлари иштирокчилари Қирғизистон Кинематографчилар союзининг раиси, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чингиз Айтматов билан учрашдилар. Таниқли адиб республика маданий ҳаётидаги янгиликлар билан меҳмонларни таништирди. Ўзбек адиблари группаси бошлиғи, «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг бош редактори, ёзувчи Нурали Қобул серқуёш Ўзбекистонда юбилей олдидан амалга оширилаётган қувончли ишлар, эришилган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилди.

Ўзбек совет адабиёти кунлари қатнашчилари Фрунзе тикувчилик фабрикасида, Ўш область пахтакорлари ҳузурида бўлишди, қирғиз меҳнаткашларининг турмуш тарзлари, меҳнатдаги муваффақиятлари билан танишишди.

А. АБДУҒАФУРОВ,
Ўш.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН. Мана, бир неча кундирки, диёримизда қардош адабиётлар кунлари давом этмоқда. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг қутлуғ олтмиш йиллик юбилейига бағишланган бу адабиёт байрамида совет адабиётининг таниқли вакиллари иштирок этаётир. Улар пахтакорлар, чорвадорлар ҳузурида бўлишди, бунёдкор ишчилар амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишишди. Шубҳа йўқки, қардош адабиётлар кунлари қатнашчиларининг республикамиздан олган таассуротлари оламча бор. Бу эса келгусида янги-янги асарлар яратилишига омил бўлади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ШАРҲЛОВЧИСИ М. МУҲИДДИНОВ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

ДУРАНГДА ҲАМ ДУРАНГ БОР

Иккинчи партия беш соатли мураккаб курашлардан сўнг кескин вазиятда кечиктирилган эди. Тож талабгори ўзининг 41-яширин контрол юриши устида 40 минутча бош қотиргани бежиз эмас экан.

Эртасига ўйин давом эттирилиб, яна етти юриш қилинди, холос. Кечиктирилган вазиятнинг ипидан игнасигача пухта таҳлилдан ўтказган гроссмейстерлар бу сафар юришлар устида ортиқча ўйлаб ўтирмадилар. 47-юришда дуранг таклиф қилинди. Каспаров розилик билдирди. Ҳисоб яна очилмай қолди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу партияни ҳеч муболағасиз шахмат тарихидаги энг ёрқин ва ҳаяжонли ўйинлардан бири деб аташ мумкин. Ҳисоб— 0:0. Чунки шартга кўра, дуранглар инобатга олинмайди. Навбатдаги учинчи партия жумадан душанбага кўчирилди. Каспаров 24 партия мобайнида олиши мумкин бўлган уч тайм-аут, яъни танаффусларнинг биридан фойдаланди.

* * *

Волгоградда ўтаётган аёллар жаҳон биринчилигида юз бераётган воқеалар тафсилоти Колонна залидаги матбуот марказига хабар қилиб турилибди. Бу ерда ҳам кескинлик ҳукмрон. Оқ доналарни ҳаракатга келтирган тож талабгори фарзини олдидаги пиёдани икки хона олдига суриш билан ўйин бошланди. Жаҳон шахмат маликаси, тбилисилик М. Чибурданидзе янги ҳинд ҳимоясининг В. Смислов амалиётга киритган вариантини танлади. Қораларнинг 8-юришидан сўнг И. Левитина янгича ғояни топди. Бундан бехабар Чибурданидзе дарҳол қийинчиликларга дуч кела бошлади. Аммо, нафис ҳимоя чораларини кўриб имкониятларни таҳминан тенглаштиришга эришди. Лекин ўйин қизиб турган бир пайтда томонлар 26-юришда ногоҳ битимга имзо чекдилар. Сабаби иккаласи ҳам янгича юришга кўп вақт сарфлаб қўйган эди. Қизиқ, Москвадаги матчнинг иккинчи партиясида ҳам янги ҳинд ҳимояси қўлланилди ва иккала учрашувда ҳам бир хил юришлар такрорланганги туфайли дуранг бўлди.

Иккинчи партияда французча ҳимоянинг қадимий ва кескин варианти ишга солинди. Томонлар ўз шоҳларини 22 юришдагина рокировка қилишга ўринди лар. Галма-гал қилинган ҳужуму ҳимояда бир-бирларига ён бермадилар. Бу ўйин ҳам юришлар такрорланган важидан Чибурданидзе таклифи билан 30-юришда дуранг деб топилди.

Волгоградда ҳам икки дуранг. Ҳисоб эса— 1:1. Аёллар матчида 16 партия ўйналиши, ким олдин 8,5 очко олса, ўша чемпион бўлиши белгиланган эди. Ҳисоб 8:8 бўлиб қолган тақдирда Чибурданидзе чемпионликни сақлаб қолади. Москва ва Волгоградда тўрт партия ўйналиб, ҳаммаси дуранг билан якунланди. Аммо шундай дуранглар бўлдики, матчларнинг бирида улар инобатга олинса, иккинчисида олинмаяпти. Ҳа, дурангда ҳам дуранг бор.

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

БЕНЗИН ТЕЖАЛМОҚДА

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг олимлари ишлаб чиққан қурилма автомобиль моторларининг иқтисодий характеристикасини анча юксалтиришга имкон беради.

Автомобиль қўзғалган чоғида моторга нагрузка кўпайганида ёқилғига бўлган эҳтиёж бир неча баравар ортади. Аммо одатдаги карбюраторлар уни бирдай миқдорда бераверади. Натижада моторнинг «нафаси қайта бошлайди», зарарли газлар чиқариш бир неча баравар кўпайди. Шу муаммони ҳал этмоқ учун мамлакатнинг баъзи автомобиль корхоналари карбюраторга қўшимча насос ўрнатаётган бошлади. Бу насос машина қўзғалиб тезлашаётганида қўшимча ёқилғи пуркайди. Аммо бунда моторнинг тежамлилиги озаяди.

Лабораториянинг олимлари насос ўрнига махсус камера ўрнатишни таклиф этдилар. Унга ёқилғи одатдаги йўл билан ўтиб туради. Моторга нагрузка ортганида ёпадиган оригинал қурилма ишга тушади ва карбюраторнинг қососи камерасининг қўшимча бензин тезда тўлдиради. ГАЗ—24 машиналарида ўтказилган синовлар бу янгилик моторнинг тежамлилигини 25—30 процент оширишини кўрсатди. Яроқсиз газлар чиқариш 3 баравардан зиёд камаяди.

Институт мутахассисларининг бу ечими жорий этиш учун Ленинград карбюратор-арматура заводига берилди.

[ЎзТАГ].

СОХТА ДЕҲҚОНЛАР

ЕКИ ШИМОЛДАГИ ШАҲАРЛАРГА БОРИБ ЧАЙҚОВЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН МЕВА ВА САБЗАВОТФУРУШЛАРНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ ҲАҚИДА

ФЕЛЬЕТОН-РЕПОРТАЖ

Мазкур репортажимизни Свердловск шаҳридаги марказий колхоз бозоридан олиб бормоқчимиз. Бу жой ҳам бошқа бозорлар сингари одамлар билан гавжум. Кимлар молини сотяпти, кимлар зарур нарсасини харид қиляпти. Аммо ушбу бозорда кишини ажаблантирадиган яна бир жиҳати ҳам борки, уни дарвозадан хатлаб кирган киши дарҳол сезиб олиши мумкин. яъни шаҳар Шимолда жойлашганлигига қарамай, бу ердаги анвойи ноз-неъматларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда етиштирилган мева-чева, қовун-тарвуз ва сабзавотнинг худди ўзгинасига ўхшайди. Пештахталар орқасида туриб савдо қилаётганлар кўзимизга иссиқ кўрингани сабабли биринчи дуч келгани билан илиққина кўришамиз:

— Ассалому алайкум, ҳамшаҳар, омонмисиз?

Аммо бу «ҳамшаҳар» гўё биз харидорини тортиб олаётгандек афтимизга ижирғаниб қарайди:

— Ҳимм... Келинг... Нима олиб келдингиз, узумми ё олмами?

— Ҳеч нарса олиб келганим йўқ, — уни тинчлантиришга ҳаракат қиламиз. — Шундай ўзимиз... Саёҳат дегандек...

Энди унинг нигоҳидаги музқараш қизиқиш ва ажабланиб қараш билан алмашинади.

— Саёҳат денг?... Ҳимм... Йўқ, ука, мени алдолмайсиз, ер ёнғоқми, узум ё қовун-тарвузми олиб келдим деб очиғини айтаверинг да...

Қани энди уни ишонтира олсак, йўқ, ишонмади.

— Овора бўлманг, битта гапингизга ҳам ишонмайман. Чунки бу ёқларга одамлар саёҳатга эмас, савдо қилгани келади. Мана, ўзимдан қиёс. Тошкент областининг Коммунистик районидаги 25-мактабда завхоз бўлиб ишлайман. Бахтиёр Ўринбоев десангиз бутун «Правда» колхози танийди. Меҳнат отпускамни шу ёқларда узум сотиш билан ўтказяпман. Энди ҳов анави помидорфурушни кўряпсизми, у киши Наманган районидаги Курмак қишлоғилик Мужиддин Аҳмедов бўлади. Ўзи Энгельс номли колхозда ишлайди. «Озроқ тижорат ишларим бор эди» деган экан, барака топгур бригадири «сенга ярим ой муҳлат, бориб чайқовингни қилавер», деб жавоб бериб юборибди. Манави аёлни кўряпсизми? Раиса Васильевна Дьячук дейишади уни. Тошкентдаги 2-мева ва сабзавот комбинатининг қозонхонасида машинист бўлиб ишларкан. Ўзи умри бино бўлиб деҳқончиликнинг кўчасига кирмаган бўлсаям, «қуёвмникки», деб салкам бир тонна помидорни шу ергача эплаб олиб келибди. Мана, одамларнинг меҳнат отпускасини қандай ўтказаётганини кўряпсизми? Сиз бўлсангиз саёҳатга келдим, деб бошимни қотирмоқчи бўласиз.

Ўринбоевнинг ўзини ҳам чайқовдан кўра кўпроқ гапга бичанга ўхшайди. Тилдан ҳам берган экан, бир зум тинмай айланди-я. Унинг ёнидан аста жилиб қолдим. Атрофда бўлаётган савдо-сотиқни томоша қилиб анграйиб қолган эканман, бир маҳал помидорнинг юқи теккан шилимшиқ бир кўл билагимдан чиппа ушлади. Қулоғимга шанғиллаган овоз урилди.

— Помидордан олиб кетинг, ука, килоси тўрт сўмдан, сув текин. Бир тонна олиб келгандим, шугина қолди. Сизга арзон сотаман.

Тап орасида у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашган бўлдик. Исми Жаҳсибой Шўлпанқулов экан. Тошкент область, Коммунистик районидаги 3-луб заводида ишларкан. У ҳам меҳнат отпускасини олиб, у ёқ бу ёқлардан тўплаган помидорини машинага юклабди-да, Свердловск қайдасан, деб келаверибди. Узи хурсанд. «Бу ёқларда помидор дегани нақд пул бўларкан, дейди у дўппайиб қолган чўнтагига уриб-уриб қўяркан, кейинги йили бошқа шаҳарларга бормай тўғри шу ерга мол олиб келаман».

Бу ерда савдо билан шуғулланаётган одамлар орасида ҳар хил касбдаги кишиларни учратиш мумкин. Улар орасида номи колхозчи бўлгани билан узоқ-узоқлардаги шаҳарларда умрини чайқовчилик билан ўтказаётган сохта деҳқонлар ҳам, олий маълумотли тадқиқотчилар ҳам, дарс вақтида болаларга «чайқовчилик — жиноий иш» деб, ўргатиб, амалда эса ўнғай пайти келиши билан шу ишга шўнғиб кетадиган мактаб ўқитувчилари ҳам, қўйингчи, ён атрофдаги қўли ишдан бўшамайдиган қўниқўшниларининг мева-чеваларини арзон-гаров нархда сотиб олиб, бемалол бешўн баравар қимматга пуллайдиган, тўғрироғи текин даромад дардида чайқовчиликни иккинчи касб қилиб олган кишилар ҳам бор. Ҳув, ана, Чиноздаги ремонт-қурилиш бошқармаси ишчиси Жамил Кикинадзе дегани кекирдагини йиртгудек бўлиб харидор чақириб, олиб келган 600 килограмм помидорини пуллаяпти. Ундан нарироқда Янгийўлдаги пойабзал фабрикасининг смена бошлиғи Шуҳрат Иброҳимов ҳам 600 килограмм помидорини қўлига тегмай сотяпти. Айниқса, «Ташкентпиво» бирлашмасининг механиги Шокир Худойбергановнинг бозори чаққон. Эндигина 23 ёшга кирган бу йигит бир йўла 750 килограмм помидор олиб келган экан. Суриштирган одамга «деҳқонваччаман, буни ўзим экиб, ўзим етиштирдим», деб оғиз кўпиртираётган эди. Сўнг нима бўлди-ю, гапидан адашиб «пивошунос механиклигини, бу тарафларга отпуска баҳонасида чўнтак қаппайтириш мақсадида келганини» оғзидан гуллаб қўйди. Наманганлик тадқиқотчи инженер Нурмамат Эшматов ҳам меҳнат отпускасидан бир ўқ билан икки қуённи уриб олиш учун фойдаланмоқчи бўлган экан. «Саёҳат қилмоқчи эдим, сопини ўзидан чиқариш учун бир йўла ярим тонна помидор ола келгандим», — дейди у чайқовчи ҳамкасбларига мақтаниб.

Шу пайт бозорнинг ўртасида чилдирманинг «такатуми» билан дуторнинг «тинғиллаши» ва қандайдир хонанданинг ашуласи янгради. Чайқовчилар савдо билан ҳориб қолишган экан, мевачевалари олдида қоровул қолдириб, ўша ёққа югуришди. Растанинг ўртасида барваста бир киши пештахтани чилдирма қилиб чалар, иккинчиси оғзида дуторга қиёс қилиб тилини тинғиллатар, учинчиси ифлос бир тарелкани чертиб сел бўлиб қўшиқ айтарди. Атрофдагилар эса тинмай қарсак чалишарди.

— Яшавор, Сайфулла, қандингни ур азамат, — кимдир кўкрагига уриб қичқирди.

Шу пайт ёнимда турган соқол-мўйловли, бошига чирк босган дўппини қўндириб олган бир киши мароқланиб гапириб қолди:

— Пули кўпайгур бу йигитнинг ҳунари ҳам кўп экан. Бекорга болалар музика мактабида директор ўринбосари бўлиб ишламайди-да. Бозорга чиққан куниёқ ўзига ўхшаган оёқ-қўли чаққон йигитлардан ҳаваскорлик тўғараги тузиб олди. Қўли бўшади дегунча бири пештахтани чилдирма қилади, бири оғзида нағма чалади. Сайфулланинг ўзи эса ҳофизлик қилади.

«Тўғарак» аъзолари билан ҳам танишиб олдик. Сайфулла Муҳиддинов дегани ҳақиқатан ҳам Наманганда болалар музика мактабида хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишларкан. Пештахтани чалаётгани эса Андижон область Марҳамат районидаги янгиқишлоқлик Ориф Мўйдинов экан. Касби математика фанни бўйича ўқитувчи бўлгани сабабли меҳнат отпускаси пайтида ҳисоб-китобни эсидан чиқариб қўймаслик учун узум билан савдо-сотиқ қилиб, ақлини пешлаб тураркан...

Мана, анвойи ноз-неъматлардан бели сингудек бўлиб турган пештахталар ҳам, бозорнинг ғовур-ғувури ва харидор чорлаб бақириб-чақираётган кишиларнинг шанғиллаган овозлари ҳам орқада қолди. Ҳамюртларимизнинг қилмишидан ижирғаниб дарвозадан чиқарканмиз, оғир сумка кўтарган бир аёлнинг норози бўлиб гапиргани қулоғимизга чалинди:

— Бирга ўнни қўшиб пуллайдиган бу чайқовчилардан қачон қутуларкинмиз? Наҳотки, уларнинг жиловини тортиб қўйдиган ташкилотлар бўлмаса?! Ахир, чайқовчилик билан шуғулланиш оғир жиноят ҳисобланади-ку?!

Ҳа, чайқовчилик, тўғрироғи бошқа шаҳарларга тандa қўйиб, турли йўллар билан олиб борган мева-чевалари, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қиммат нархда пуллаб, осон йўл билан бойлик орттириш бизнинг жамиятимизда оғир жиноятлардан бири ҳисобланади. Уларга нисбатан қатиқ жазо чоралари қўлланилиши ҳам қонунда аниқ-равшан қилиб кўрсатилган. Бундайлардан эл ҳам нафратланади. Аммо орамизда пулга ҳирс қўйган, мўмай даромад учун ўзини ўтга-чўққа уришга ҳам тайёр турган харомхўр шахслар ҳам борки, улар қонунни поймол қилиб, текин бойлик орттириш пайига тушадилар. Яна шуниси ҳам ажабланарлики, баъзи кишилар ана шундай чайқовчилар йўлига ғов ташлаш ўрнига зарур пайтда уларга ёрдам қўлини чўзиб, қўйинларини керакли справка ва ҳужжатлар билан тўлдириб ҳам қўядилар.

Свердловск шаҳри бозорларида чайқовчилик қилаётган ўзбекистонлик қайси бир мева ва сабзавотфуруш билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг «деҳқон»лигини тасдиқлайдиган даста-даста сохта справкаларни кўз-кўз қилдилар. Шундай ҳужжатлар билан ўзларининг асл башараларини яширимоқчи бўлдилар. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, бу чайқовчиларнинг ният ва қилмишлари ҳам яққол сезилиб турарди.

Чайқовчилик оғир жиноят. Жойларда шундай шароит яратайликки, токи уларга нисбатан муросасизлик билан кураш олиб борилсин.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Тошкент—Свердловск—Тошкент.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХУЖАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
СССР БЎЙЛАБ ГАСТРОЛЛАР
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ВИНОСИДА
КОБУЛ ШАҲРИДАГИ АФҒОН ДРАМА ТЕАТРИНИНГ СПЕКТАКЛЛАРИ
(Афғонистон Демократик Республикаси) 21, 22 сентябрь соат 19.00 да.
Асадулла Ҳабиб.
«ТУН ВА ҚАМЧИН»
Постановкачи — профессор А. К. БЕСЕТ.
23 сентябрь соат 19.00 да
БИР АКТЛИ СПЕКТАКЛЛАР «ОНА ҲАҚИДА АФСОНА»
М. Горькийнинг «ИТАЛИЯ ҲАҚИДА ЭРТАКЛАР» асари бўйича.
Сценировка муаллифи — доктор Муҳаммад НАИМ ФАРҲОН.
Бертольт БРЕХТ.
«ҚОИДА ВА ИСТИСНОЛАР»
Постановкачи — Ҳамид ЖАЛИЯ.
Театр директори ва бош режиссёри — Ҳамид ЖАЛИЯ.
Томоша зали радиолаштирилган, текст рус тилида эшиттирилади.
Билетлар театр кассасида соат 10 дан 19.00 гача сотилади.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги, Қоғоз ва ёғочсозлик саноати илмий-техника жамиятининг республика правлениеси ҳамда
ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ
21 сентябрь соат 11.00 да «МЕБЕЛЬ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ, ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИШ, АССОРТИМЕНТНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДО КОРХОНАЛАРИ САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ» деган мавзуда
СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗАДИ
Адрес: Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, 6-уй «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

АВТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ТАШАВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ
ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИДА
Италияда ишлаб чиқарилган ТУРЛИ РАНГДАГИ БУЁҚЛАР (оч жигарранг — 235, олтинранг охра — 208, оқ — 233, ёқутранг — 110, каррида — 165 ва бошқалар), шунингдек техника хизмати кўрсатиш станцияси ва ювиш-техника хизмати устахонасида етарли миқдорда МОТОР ЁҒИ ва «ЖИГУЛИ» маркасидаги автомобиллар учун ЁҒ ФИЛЬТРЛАРИ
МАВЖУД
Сизларни техника хизмати кўрсатиш станцияларига автомобилнинг бўёқ ишлари ва техника хизматини бажариш учун таклиф этамиз.

Театр
НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/IX да Фирибгарнинг найранглари (12.00), Жизель (19.00).
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IX да Отелло.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/IX да Тошболта ошиқ.

Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми коллективи ишлаб чиқариш бўйича техникум директорининг ўринбосари А. Қаюмовга отаси
Қаюм БАДАЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Халқ куйлари. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 —Здоровье. 12.15 —Тонгги почта. 12.45 — Қишлоқ янгиликлари. 13.45 — Музикали киоск. 14.15 — Халқаро Дўстлик мусобақалари. 15.00 — Саёҳатчилар клуби. 16.00 — Еш гвардия. Бадиий фильм. 2-серия. 17.20 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 17.50 — Концерт. 18.35 — Халқаро панорама. 19.20— Шерлок Холмс ва доктор Ватсонинг саргузаштлари. Бадиий фильм. 2-серия. Ўлим билан олишув. 3-серия. Йўлбарс ови. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.40 — Поэзия. 23.20 — Илмий-оммабоп фильм. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар. 10.00 — Рус тили. 10.30 — Объектив. 11.00 — Концерт. 12.05 — Ерда, самода, денгизда. 12.35 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 14.30 — Концерт. 15.00 — ВОЛГОГРАД ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 16.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.30 — Эдингдами, ўрток. 17.30 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 1-серия. 18.40 — Концерт. 19.30 — Инсон — замин соҳиби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.00 — Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Цирк. Бадиий фильм. 23.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Телеминиатюралар. 11.10 — Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ Спартакиадаси. Спорт гимнастикаси. 11.45 — Болажон қиз. Бадиий фильм. 13.05 — Қувноқ стартлар. 14.05 — Реклама. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 18.45 —Оламга саёҳат. 19.30—Ахборот. 19.45 — Фақат катталар учун мультфильмлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05— Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.05 — Телефильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

17 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА I. 9.00 — Время. 9.40 — Музикали кўрсатув. 10.35 — Цирк. Бадиий фильм. 12.05 — «Галичанка» бандурачилар халқ капелласи. 12.30— Илмий-оммабоп фильм. 12.55— ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 15.55 — Бутуироссия конкурсининг лауреати. Т. Вольская чалади. 16.20 — Бил ва уддала. 17.05— Михайло Коцюбинский. Телефильм. 17.55 — «Китуши» фольклор коллективининг чиқиши. 18.15 — Буратино кўргазмаси 18.45 — Ишчилар ва одамлар. 19.15 — Дунё воқеалари 19.30 — Спорт программаси. 21.30 —Время. 22.05 — Мангу даъват. Бадиий фильм. 12-серия. 23.15 —Дунё воқеалари. 23.30 — Халқаро дўстлик мусобақаларида.

Москва II. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Фильм-концерт. 19.10 — Пушкин уйида. Телефильм. 20.00 — Инсон ва қонун. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 —Халқаро панорама. 21.30 —Время. 22.05 — Телефильм. 22.30 — Спорт программаси.

Тошкент I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Чеварлар. Телефильм. 10.30 — Ўқув программаси. 11.00 — Телефильмлар. 12.00 — 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.20 — Болалар тинчлик учун овоз бермоқдалар. 19.00 — Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ Спартакиадаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқлар дўстлиги— адабиётлар дўстлиги. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 —Солдат ҳақида қисса. Бадиий фильм. 23.50— Янгиликлар.

Тошкент II. 18.15 — Телефильм. 18.25 — Илмий-оммабоп программа. 19.00 — Ҳаёт артерияси. 19.45 — Врач маслаҳати. 20.00 —Тошкент янгиликлари. 20.20 — Кинопрограмма. 21.00 — Қишлоқ ҳаёти. 21.30 — МТ II.

РАДИО

16 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15— Табассум. 11.30 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 —Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ўрмон ходимлари, Сизлар учун. 14.00 — Пахтазор чорлайди. 15.40 — Фарҳод ва Ширин. Музикали драма монтажи. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Янги урф-одатлар — ҳаётга. 21.00 — Табассум. 22.30 — Тошкентнинг олтин кузи. 23.10 — Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ Спартакиадаси кундалиги.

17 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.30—Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистон индустриальнийи. 13.00— Чорвадор. 14.00 —Пахтакорларнинг долзарб дамлари. 18.15 — Халқаро кундалик. 20.50 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 21.00 — СССР Ёзувчилар союзи I съезднинг 50 йиллигига. 21.20— Пахта далаларининг изгорлари учун концерт. 23.30 — Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ Спартакиадаси кундалиги.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.